

74.202.4

M-41

А.Р. МЕЛИБОЕВ, Ш.Р. ЗАРМАСОВ,
Л.Т. ТЎРАҚУЛОВ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР



ТОШКЕНТ

УЎК:373.1.001.76

КБК 74.202.4

M41

M41 А.Мелибоев, Ш.Зармасов. Л.Тўракулов. Мактабгача таълим жараёнини ўқитишда инновацион педагогик технологиялар. –Т.: «Fan va texnologiya», 2015, 76 бет.

ISBN 978–9943–990–07–4

Ушбу қўлланма педагогика йўналишидаги олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда мактабгача таълим йўналишидаги таълим оловчилар учун инновацион педагогик технологиялар, улардан таълим амалиётида фойдаланиш йўллари ва воситалари ҳақида фикр баён этилган. Шунингдек, мазкур қўлланмада педагогик технологияларнинг мазмуни, машғулотларда уларни қўллаш усуллари ҳам ёритилган.

УЎК:373.1.001.76

КБК 74.202.4

Масъул муҳаррир:

Турдикулов Эшбой Отокулович – педагогика фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Улфат Маҳкамов – педагогика фанлари доктори, профессор;

Шухрат Насматов – педагогика фанлари номзоди

Ушбу қўлланма А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти илмий Кенгашининг 2014 йил 3 шондаги 10-сонли қарори билан нашр этилди.

ISBN 978–9943–990–07–4

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2015.

КИРИШ

Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, замон талаблари билан уйғунлаштирилган, жаҳон андозалари даражасига мос «миллий модел»ни ҳаётга тадбиқ қилиш, маънавиятимизни янада юксалтириш, ёшларнинг баркамол шахс бўлиб етишишларини таъминлашга қаратилган. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг умумпедагогик билим ва кўникмалар даражасини кенгайтириш, аجدодларимизнинг маънавий, тарихий ва интеллектуал меросига тўғри муносабатда бўлишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини ислох қилиш келажакда ўқитувчилик касбини эгаллайдиган янги авлодни юқори касбий маданият, ижодий ва ижтимоий фаоллик, ижтимоий-сиёсий ҳаётда эркин, мустақил фаолият кўрсата олиш, юксак даражадаги педагогик маҳоратга эга бўлишга йўналтирилган. Бунда инновацион педагогик технологияларнинг аҳамияти катта дидактик қимматга эга.

Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга бўлган иштиёқини уйғотиб, тизимли ўқитишга тайёрлаб боради. 6–7 ёшгача бўлган мактабгача таълим давлат ва нодавлат болалар мактабгача таълим муассасаларида ва оилада амалга оширилади. Мактабгача таълимнинг мақсади – болаларни мактабдаги ўқишга тайёрлаш, болани соғлом, ривожланган, мустақил шахс бўлиб шакллантириш, қобилиятларини очиб бериш, ўқишга, тизимли таълимга бўлган иштиёқини тарбиялашдир.

Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мактабгача таълим муассасаси ҳамда штатдаги тиббиёт ходимлари, шунингдек мактабгача таълим муассасасига бириктирилган соғлиқни сақлаш органларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби ва қоидалари,

мактабгача таълим муассасасига болаларни олиб келиш ва олиб кетиш қоидалари, мактабгача таълим муассасаси биноларида хавфсизликни ташкил этишга оид талаблар, мактабгача таълим муассасасида ёнғин хавфсизлигини ташкил этишга оид талаблар, ҳудуд хавфсизлигига бўлган талаблар «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом» билан тартибга солинади.

Бугунги кунда олий педагогик таълим жараёнида мактабгача таълим йўналишидаги талабаларда инновацион педагогик технологияларни ўргатиш уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш учун жуда зарур ҳисобланади. Бирок, ҳозирги кунда бу соҳада бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Профессор Н.Сайидахмедов таъкидлаганидек, «Янги педагогик билимлар кўлами Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида кенгайиб бормоқда, тадқиқот йўналишлари эркин шахсни шакллантириш муаммоларига қаратиляпти»¹.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда биз мазкур қўлланмани яратишга ҳаракат қилдик. Бунинг учун педагогик технологияларнинг ривожланиш тарихи, унинг лойиҳалари, инновацион педагогик технологияларнинг таркибий тузилиши ҳақида имкон қадар фикр баён қиламиз. Шунингдек мазкур қўлланмада Ўзбекистонда янги педагогик технология концепциясини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида баъзи фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Шу нуқтаи назардан мазкур қўлланмада мактабгача таълим йўналишидаги талабаларга «Мактабгача таълимни ўқитишда инновацион педагогик технология» курсида ўтилиши мўлжалланган мавзулар қамраб олинган. Шу билан бир қаторда, қўлланма талабалар курс бўйича эгаллаган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва ундан амалиётда фойдаланишга имконият яратади. Бунинг учун эса бир қатор вазифаларни ечиш талаб этилади. Жумладан:

- Давлат таълим стандартларининг асосий талаби ҳисобланган ижодий тафаккур юритувчи баркамол шахсни шакллантириш;
- Мактабгача таълим йўналиши талабаларини инновацион педагогик технологиялар билан таништириш;
- Талабаларда замонавий ахборот технологиялари тўғрисида билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш;
- Талабалар онгига фан-техника ва технологияларнинг энг сўнгги янгиликларини сингдириш;

¹ Сайидахмедов Н. Технологик ёндашув устуворлиги //Маърифат, 2003 йил, 19 февраль.

– Уларда инновацион педагогик технология элементларини педагогик амалиёт даврида ва келажакдаги фаолиятларида тадбиқ қилишда кўникама ҳосил қилишлари учун замин яратиш кабилар.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда профессор-ўқитувчилардан юксак даражадаги педагогик маҳорат ва билимдонлик талаб этилади. Шу нуқтаи назардан биз профессор-ўқитувчиларга имкон қадар ёрдам бериш мақсадида мазкур кўлланмани тақдим этмоқдамиз.

КИРИШ. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. Кириш.
2. Фаннинг предмети, мақсади, вазифалари ва асосий тушунчалари.
3. Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.
4. Педагогик жараёнга ёндашиш турлари.
5. Янги педагогик технологиянинг асосий принциплари.

1. Кириш

Бугунги ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни ривожлантириш каби мураккаб масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш кўп жиҳатдан ўқитувчининг гоёвий эътиқоди, касбий маҳорати, билимдонлиги ҳамда маданиятлилик даражаси билан белгиланади. Зеро, замонавий педагог ўқувчиларга таъсир этиш, уларнинг истаклари, лаёқатлари, қизиқишлари ва имкониятларини шакллантира би лиши ке рак. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, бугун мактабларга юксак даражадаги педагогик маҳоратга эга, фаол, изланувчан, ижодкор ўқитувчиларни етиштириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» олий таълим ходимлари олдига ўқитишнинг янги шакл, мазмун ва усулларини қўллаш вазифаларини қўймоқда. Бунинг натижасида эса талабалар етук мутахассис бўлиб етишишларига замин ҳозирланади.

Бизга маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош объекти ва субъекти – шахсдир. Шунинг учун жамиятимиз, давлатимиз томонидан замонавий мутахассис шахси ва унинг касбий тайёргарлиги олдига юқори талаблар қўйилмоқда.

Шу нуқтаи назардан мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва педагог-психологлари тарбияланувчиларга энг зарур бўлган билимлар, тушунчаларни шакллантиради, уларни ўқиш, ёзиш ва санашга ўргатади.

Бу ўринда олий педагогик таълим жараёнида бўлажак мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва педагоглари

инновацион педагогик технологиялар қай даражада сингдири-
лаётганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу билан бир
қаторда, бўлажак мутахассислар таълим-тарбия жараёнининг
самарадорлиги, мақбуллиги, илмийлигини янги сифат даражасига
кўтарилганлигини белгилаб берадилар.

Педагогик технологиялар ўзи нима, таълим-тарбия жараёнида
унинг аҳамияти қандай, деган ҳақли саволлар туғилади. Педагогик
атамалар лугатида педагогик технологияларга қуйидагича таъриф
берилган: «Педагогик технология – а) ўқув фаолиятини оқилона
ташқил этиш ва жиҳозлаш; б) имкон қадар озроқ вақт сарфлаб,
таълим натижасини кафолатлайдиган изчил педагогик тизим; в)
педагогик муаммоларни методологик даражада ҳал этишга имкон
берувчи педагогик ҳодиса; г) ўқув жараёнини тўлиқ бошқариш
имконини берадиган тизимли тафаккур усулини педагогик
амалиётга татбиқ этиш шакли; д) педагогик мақсадга эришишни
кафолатлайдиган ҳаракатларнинг изчил тизими»².

Н.Сайидахмедов педагогик технологияларга қуйидагича
таъриф беради: «Педагогик технология» – бу шахсни ўқитиш,
тарбиялаш ва ривожлантириш қонунларини ўзида жо қиладиган ва
якуний натижани таъминлайдиган педагогик фаолиятдир».

Профессор Ж.Ф.Йўлдошев ва С.А.Усмоновлар «Педагогик
технология асослари» деб номланган қўлланмасида педагогик
технологияларга берилган бир қатор таърифларни келтиради ва
уларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги фикрларни баён этади:
«Педагогик технология – баркамол инсонни шакллантириш
фаолияти.

Шу билан бирга, педагогик технологиянинг кенг кўламли,
серқирра тушунча эканлигини ҳисобга олган ҳолда унинг қуйидаги
яна бир нечта таърифларини келтиришимиз мумкин:

Педагогик технология ахборотларни ўзлаштириш, улардан
амалда фойдаланиш, улардаги янги маъно-мазмунларни ҳамда
ахборотлар орасидаги турли боғлиқликларни очиш орқали янги
ахборотлар яратишга ўргатиш жараёнидан иборат.

Педагогик технология – таълим методлари, усуллари, йўллари
ҳамда тарбиявий воситалар йиғиндиси; у педагогик жараённинг
ташкилий-услубий воситалари мажмуидир.

Педагогик технология – бу ўз олдига таълим шакллари
оптималлаштириш вазифасини кўювчи, бутун ўқитиш ва

² Педагогик атамалар лугати // Тузувчилар Р.Х.Джурев ва б. Т.: Фан, 2008. 100-б.

билимларни ўзлаштириш жараёнини техник ресурслар ва одамларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олган ҳолда яратиш, қўллаш ва аниқлаштиришнинг тизимли методидир.

Педагогик технология – маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш ва ўзлаштириш жараёнидан иборат.

Демак, педагогик технология инсонга (таълим-тарбия олувчига) олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат»³.

Шундай экан, педагогик технологиялар – педагогик жараённинг техникавий ва услубий жиҳатдан қуролланган ёки инструменталлик даражасини белгиловчи радикал кўрсаткичдир. Шунинг учун ҳам, барча педагог ходимлар ва ўқитувчилар педагогик технологияларни эгаллашлари шарт.

2. Фаннинг предмети, мақсади, вазифалари ва асосий тушунчалари.

Мазкур фаннинг предмети замонавий мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнида фойдаланадиган педагогик технологиялар педагог маҳоратини таркиб топтиришнинг асосий элементлари бўлиб ҳисобланади.

«Технология» сўзи 1872 йилда фанга кириб келган. Мазкур атама юнонча технос – ҳунар, санъат, логос – фан сўзларидан ташкил топиб, «ҳунар фани» ёки «ҳунар санъати ҳақидаги фан» маъноларини англатади.

Бироқ, бу таъриф замонавий технология жараёнини тўлиқ тавсифлаб беролмайди. Зеро, технологик жараён – бу меҳнат қуроллари билан меҳнат воситаларига (хом ашёлари) таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш соҳасидаги меҳнат жараёни ҳисобланади.

Рус олими В.Беспалько «Педагогика ва илғор технологиялар» асарида «Педагогик технология – бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир», – деб таърифлади.

Бугунги кунда республикамизда ҳам педагогик технология тушунчаси, унинг моҳияти ва таркиби, амалда қўллаш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Бу соҳада бир қатор Республика миқёсида илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва анжуманлар ўтказилмоқда.

³ Ж.Ф.Йўлдошев, С.А.Усмонов Педагогик технология асослари // Т. Ўқитувчи, 2004. 10-б.

Аксарият олимлар педагогик технологиянинг ЮНЕСКО томонидан маъқулланган тавсифномадан келиб чиқадилар. Чунончи унда: янги педагогик технология – бу инсоний ва техникавий ресурсларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда маълумот шаклларини оптималлаштириш мақсадида таълим-тарбия жараёнини яратиш тизимли усулидир дейилади.

Юқоридаги таъриф асосида қуйидагича тасаввурга эга бўламиз: педагогик технология – бу таълим-тарбия жараёнининг ижтимоий мақсадга йўналтирилган усул, восита, шаклларнинг йиғиндисида асосланган лойиҳа ҳисобланади. Масалан: суҳбат ўтказиш технологияси, болага педагогик таъсир кўрсатиш технологияси, уй вазифаларини текшириш технологияси кабилар.

Педагогик техника эса – таълим-тарбия жараёнидаги усуллар, элементлар, уларни амалда қўллаш хусусиятларидир. Масалан: нутқ техникаси (овоз, нафас олиш, ритмика ва •) муомала техникаси (қўл ҳаракати, пантомимика, имо-ишора, юз ҳаракати ва б.)

Педагогик техника – педагогик технологиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Масалан: суҳбатни тайёрлаш ва ўтказиш, суҳбат жараёнида саволлар бериш, жавобларни қабул қилиш ва баҳолаш масалалари технология билан алоқадордир. Дикция ҳамда нутқ маданиятидан тўғри фойдаланиш кабилар ҳам педагогик техникага боғлиқ.

«Мактабгача таълимни ўқитишда педагогик технологиялар» фанининг дидактик аҳамияти жуда катта, чунки мазкур фан доирасида дарс машғулотида бўлажак тарбиячилар анъанавий ва ноанъанавий усуллар ва воситалардан янги шароитларда фойдаланишга эришадилар. Бўлажак мутахассислар мактабгача таълим муассасаларидаги тажрибаларни ўрганиш, самарали методикаларни танлаш, болаларнинг ўйин, ўқиш, меҳнат ва ижтимоий фаолиятларини бошқариш, улар билан тўғри, дўстона муносабатда бўлиш механизмини ўзлаштирадилар.

Мазкур фаннинг мақсади бўлажак мутахассисларга амалиётда педагогик технологиялардан фойдаланишга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

«Мактабгача таълимни ўқитишда педагогик технологиялар» фанининг вазифалари сирасига қуйидагилар киради:

а) талабаларга педагогик технология ва унинг таркибий қисмлари ҳақида тушунча бериш;

б) бўлажак тарбиячиларни «педагогик технология» тушунчасига нисбатан ижодий ёндашишга ўргатиш;

в) бўлажак тарбиячиларда педагогик технологияларни эгаллаш, унга нисбатан қизиқиш уйғотиш ва амалиётда қўллашга ўргатиш кабилар.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни профессор-ўқитувчилар фақатгина талабалар билан ҳамкорликда амалда қўллашлари мумкин, чунки профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида талабалар дарс машғулотларига фаол қатнашиб, ижодий топшириқларни бажариб, аста-секин таълим-тарбия жараёнида педагогик технологияларни ўзлаштирадилар ва ўзлари эгаллаган кўникмаларни амалий машғулотлар ҳамда кейинги фаолиятларида қўллайдилар.

3. Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.

Педагогик жараён – мураккаб жараён бўлиб, у иккита йўналишдан и борат. Улар ўқитиш ва тарбиялаш жараёнларидир. Бизга маълумки, ушбу жараёнларни кўпгина фанлар ўрганади. Жумладан, «Педагогика», «Дидактика», «Тарбия назарияси», «Тарбиявий ишлар методикаси», «Педагогик маҳорат» кабилар.

Шунингдек, «Умумий психология», «Ёшлар психологияси», «Педагогик психология» ҳамда «Меҳнат психологияси» фанлари мазкур жараёнлар, уларнинг психик хусусиятларини ўрганади. Биз буни қуйида жадвал шаклида тасвирлашга ҳаракат қиламиз.



Юқорида кўрсатиб ўтилган фанлар билан «Мактабгача таълимни ўқитишда педагогик технологиялар» фани алоқадорликда фаолият кўрсатади. Дарс машғулотлари жараёнида «Мактабгача таълимни ўқитишда педагогик технологиялар» фанини ўрганишда бўлажак тарбиячилар эгаллаган билимлар, муҳим тушунчалар, уларнинг фарқлари, ўзаро боғлиқлиги, таркибий қисмлари, бола шахси ва онгини шакллантириш ва ривожлантириш йўллари, усуллари алоҳида дидактик аҳамият касб этади.

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида анъанавий ва ноанъанавий усуллар биргаликда амалга оширилади. Масалан: маъруза жараёнида бўлажак мутахассислар суҳбат, ролли ўйинлар ва муаммоли вазиятлар, ижодий топшириқлар каби усуллардан фойдаланилса, амалий машғулотларда эса янги инновацион технологияларни танлаш ва улардан амалиётда фойдаланишга оид билимларга эга бўладилар. «Мактабгача таълимни ўқитишда педагогик технологиялар» фани олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун нафақат ўқитувчи, балки талабалар ҳам ўз функцияларини бажаришлари зарур. Замонавий технологияларни ўрганиш, тажрибаларни таҳлил қилиш, улардан таълим амалиётида фойдаланиш йўллари топиш, танланган технологияларни ўз фаолиятларида ижодий қўллаш кабилар бўлажак мутахассисларнинг муҳим вазифалари сирасига киради.

4. Педагогик жараёнга ёндашиш турлари.

Янги педагогик технологиянинг моҳияти ва аҳамиятини чуқурроқ тушуниш учун педагогик жараёнга комплексли ёндашиш зарур, чунки педагогик жараён таълим-тарбия жараёнидан иборат бўлиб жуда мураккаб, кўп қиррали жараёндир. «Комплекс» деганда биз ушбу тушунчага «тарихий», «тизимли», «психологик» жиҳатдан ёндашишни назарда тутмоқдамиз. Энди уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

А. Таълим-тарбияга тарихий ёндашув.

Бизга маълумки, тарбия ва ўқув жараёнларининг моҳияти қадим замондан то бугунги кунгача ўзгармасдан келмоқда.

Тарбиянинг моҳияти – ўсиб келаётган ёш авлодни мазкур муҳит, жамият талаблари асосида ҳаётга тайёрлашдан иборат бўлиб, жамият ҳаётида муҳим ўринни эгалайди.

Маърифатпарвар Абдулла Авлоний ХХ асрнинг бошларидаёқ «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деб таъкидлаган эди. Шунга кўра тарбиянинг жамиятдаги ўрни, унинг ўтмиши ва ҳозирги замондаги аҳамияти муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Мактабгача таълим жараёнида болаларга таълим-тарбия ва маълумот бериш ўзаро мустаҳкам алоқадорликда амалга оширилади.

«Таълим», «тарбия» ва «маълумот» тушунчалари бир-бирини тўлдириши ҳамда бирини иккинчиси, иккинчисини учинчиси таъминловчиси ҳисобланади. Бунинг натижасида шахснинг ривож-

ланиши таъминланади, буни биз қуйидаги чизма орқали тасвирлашга ҳаракат қиламиз.

Мевали дарахт уруғдан тупрокда униб чиқади, унга ўз вақтида сув бериб, ишлов бериб парвариш қилинса ривожланиб дарахт бўлади ва мева беради.



Уруғ
(таълим)



Тупроқ (ер)
(тарбия)



Дарахт
(маълумот)

Барчамизга маълумки, жамият доимо тараққий этаверади. Бунинг у чун эса бўлажак мутахассисларга янги билим бериш, ўзгариб борувчи меҳнат ва ҳаёт шароитларига мувофиқ, танқидий, ижодий фаолият билан шугуллана олиш кўникмалари таркиб топтириш лозим. Демак, тарбия ёш авлодни ҳаёт, меҳнатга тайёрлайди, у мавжуд жамият имкониятларини шакллантириш ва янада ривожлантириш мақсадида аждодлар томонидан орттирилган тарихий тажрибани тўлдирилган, янада мукаммаллаштирилган ҳолда ёш авлодга сингдиради.

Таълим-тарбия моҳиятини сақлаган ҳолда профессор-ўқитувчилар ўз иш фаолиятларида илғор усуллар, воситалар ва шаклларни замон билан ҳамнафас ўзгартириб, янгилаб боришлари зарур, чунки янги давр унга доимо янги талаб қўяди.

Б. Педагогик жараёнга тизимли ёндашув.

Профессор Н.В.Кузмина ёзганидек, «Педагогик тизим – бу ўзаро боғланган ва таълим олувчиларни таълим-тарбия мақсадига йўналтирилган компонентларнинг йиғиндиси»дир.

Мазкур тизимни янада такомиллаштириш учун унинг таркибий қисмларини чуқур ўрганиш ҳамда бу жараёнда педагогик технологиянинг ўрнини аниқлаш зарур. Бу нуқтаи назардан педагогик жараённи қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:


Педагогик жараён

=

Тарбия-таълим

Ушбу жараёнлар бутун бир жараён бўлиб, ўқитувчи - тарбиячининг ўқувчи - тарбияланувчига педагогик таъсир кўрсатишини ўз ичига қамраб олади.

Бундан ташқари педагогик жараённи тизим сифатида бошқача ҳам тасвирлаш мумкин:



Биринчи – назарий, методологик блок - замонавий таълим-тарбия жараёнига жамиятимиз томонидан қўйиладиган талаблар ижтимоий буюртма сифатида ёритилади, вазифалар аниқланади, фаолиятни ташкил этиш принципларини (қоидалари) кўрсатади ҳамда таълим-тарбия натижаларига таъсир этувчи омиллар ва зарурий шарт-шароитлари тавсифланади.

Иккинчи – амалий, технологик блок эса таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаларини муваффақиятли амалда қўллаш учун зарур бўладиган шахс фазилатлари, билим, кўникмаларни шакллантирувчи усуллар, воситалар, ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш шакллари ва уюшмаларини ўз ичига олади. Бу блокдаги элементларнинг йиғиндисини биз «Педагогик технология» деб аташимиз мумкин.

Содда қилиб айтганда, биринчи блокда - ижтимоий буюртма, иккинчида эса - уни амалда ошириш йўллари кўрсатилган.

Мазкур ҳар иккала блоklarнинг ўзаро боғлиқлигини бузиш мумкин эмас, чунки педагогик тизим издан чиқса, у кафолатланган натижага эришиш имконини бермайди.

В. Таълим-тарбия жараёнига психологик ёндашув.

Инсон фаолияти психолог нуқтаи назаридан учта турдан иборат. Улар ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятларидир. Ушбу фаолият турлари мулоқот жараёни орқали амалга оширилади. Шу нуқтаи назаридан педагогик жараён қуйидагича бўлиши мумкин:



Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, педагог ўз фаолияти ҳамда бўлажак мутахассислар фаолиятини фақат мулоқот орқали ташкил қилиши мумкин.

Педагогик мулоқот таълим-тарбиянинг психологик асоси бўлиб, уни самарали бошқариш учун мулоқот жараёнининг моҳияти ва механизмини аниқ бўлиши талаб қилинади.

Шундай қилиб, педагогик жараёнга комплексли ёндашув технологияси таълим-тарбиянинг мақсади, вазифаларини белгилаб олишдан бошлаб, бу жараённинг бир бутун яхлитликкача бўлган йўналишини назарда тутаяди.

5. Янги педагогик технологиянинг асосий принциплари.

Бугунги глобаллашув жараёнида таълим тизими натижаси бўлажак мутахассис фаолиятининг қандай ташкил этилишига бориб тақалади. Таълим зиммасига қўйилаётган вазифалар эса бу жараёнга нисбатан муносабат, ёндашувни ўзгартиришни тақозо этмоқда. «Халқ таълими», «Бошланғич таълим», «Маърифат» ва бошқа журнал-газеталарда айнан шу муносабат ва ёндашувни ўзида мужассам этиши лозим бўлган янги педагогик технология хусусида бир қатор мақолалар эълон қилинган (Ж.Ғ.Йўлдошев, Н.Сайидахмедов, Қ.Абдуллаевлар каби). Бирок ҳозирги ислохотлар жадал-

лиги мавжуд назарияни тезроқ амалиётга тадбиқ этишни талаб этади. Шу боис, ижодкор ўқитувчилардан бу борада олиб бораётган амалий ишлари акс этган мақолаларни ҳам чоп эттириш мақсадга мувофиқдир.

Янги технологияларни лойиҳалаш ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш маълум қонуниятларга асосланади. Бу асослар педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатларини ифода этади ва методикадан фарқли томонларини кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, уларни педагогик технология принциплари, деб аташ мумкин.

Принцип – юнонча «принсип» сўздан олинган бўлиб, асос, дастлабки ҳолат, бошқарувчи ғоя, умумлашган талаб каби маъноларни англатади. Дидактикада олимлар принципларни турлича талқин қилишади: педагогик ҳолат йўлга солинган дидактик ҳолатлар, тавсиялар (В.И.Загвязинский, Л.И.Гриценко), ўқитишнинг меъёрий асослари (М.А.Данилов), дидактик мақсадга эришиш усуллари (И.Я.Лернер) ва ҳоказо.

Биз педагогик технология принциплари деганда лойиҳаланган ўқув-тарбиявий жараёни амалга оширишга юқори натижаларга эришиш учун риоя қилинадиган умумий меъёрлар, қоидалар ва талабларни тушунамиз. Демак, у ёки бу педагогик ҳодиса принцип бўлиши мумкин, қачонки уни ўқув жараёнида ҳисобга олиш (риоя қилиш) зарур бўлса, яъни унга таянилса.

Амалга оширилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, педагогик технология принциплари дидактик принциплардан тубдан фарқ қилади ва ўзида муҳим сифат кўрсаткичларини мужассамлаштиради. Дарвоқе, таълимнинг тарихий ривожланиш босқичларида ўқув-тарбиявий жараёни амалга оширадиган педагогик технология мавжуд бўлганми ёки бу бугун пайдо бўлдимми, деган ҳақли савол туғилади.

Ушбу саволга академик В.П.Беспалко қуйидагича жавоб беради: «Педагогик технология ҳар доим ҳар қандай ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида мавжуд, бироқ энг мақбул ўқитиш ва тарбиялаш технологиясини танлаш ва анланган ҳолда бошқариш педагогика фани ва мактаб амалиёти имкониятлари доирасидан четда қолапти».

Бизнингча, педагогик технология – таълим-тарбия самарадорлигини белгиловчи қатор омилларни баҳолаш имконини берадиган ижодкорлик, яратувчилик, фидойилик фаолияти натижасидир.

Н.Сайидахмедов томонидан педагогик технология принципларини аниқлашда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинган:

- 1) мавжуд жамият талабларига мос келадиган таълим-тарбия мақсади;
- 2) дидактик жараённинг объектив қонуниятлари;
- 3) таълим-тарбия жараёнида амалга ошириладиган шарт-шароитлар.

Шу нуқтаи назардан инновацион педагогик технологияларни амалда қўллашни қуйидаги принципларга боғлаб талқин қилиш мумкин.

1. Яхлитлик принципи – технология лойиҳаси яратилаётганда педагогик тизимнинг барча элементлари ўзаро таъсир доирасида бўлиши ва ўзаро боғлиқлигини эътиборга олишни тақозо этади.

2. Педагогик технология ўқув-тарбиявий жараёни олдиндан лойиҳалаш ва кейинги босқичларда амалга оширишни кўзда тутати.

3. Педагогик технологиянинг муҳим принципи: ўқитишнинг тугалланганлик принципи – таълим-тарбия жараёнида кафолатланган натижага эришиш имконини беради.

Юқорида биз педагогик технологиянинг асосий принципларини ёритишга ҳаракат қилдик. Улар, биринчи галда, ўқув-тарбиявий жараёни илмий асосда қуришга йўналтирилган ва улардан амалда ижодий фойдаланиш зарур.

Назорат саволлари

1. «Педагогик технология» тушунчаси нимани англатади?
2. «Педагогик техника» ва «педагогик технология» тушунчаларининг фарқи нимада?
3. Педагогик технологиянинг замонавий таърифини гапириб беринг?

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ

РЕЖА

1. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини шакллантириш.
2. Ўқув жараёнини ташкил этиш йўллари.
3. Ўқув мақсадларига эришиш мониторингини лойиҳалаштириш.

1. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини шакллантириш.

Ўқув мақсадига эришилганлигини текшириш учун ишончли усул бўлгандагина, педагогга уни баҳолаш имконияти туғилади. Айнан шу билан, яъни аниқ қўйилган мақсад ва мақсадга эришилганлигини баҳолашнинг ишончли усули мавжудлиги билан, педагогик технология анъанавий педагогикадан ажралиб туради. Ўқув фанларининг анъанавий ўқув дастурларида мақсадлар одатда «тушунмоқ», «ўзлаштирмоқ» каби атамаларни қўллаш билан чекланади. Аниқ қўйилмаган мақсадларга эришилганлигини баҳолаш имконияти бўлмайди. Педагоглар мақсадларни одатда қўйидагича қўядилар (М.В.Кларин бўйича):

– **Ўқув мақсадини ўрганиладиган мазмун орқали аниқлаш.** Ўқув мақсадини бундай қўйиш фандаги билимнинг мазмунига йўналтирилганлигидан дарак беради. Масалан: бешинчи мавзу мазмунини ўрганинг! Ўқув мақсади бундай қўйилганда, мақсадга эришганлигини текшириш имконияти бўлмайди!

– **Ўқув мақсадини педагог фаолияти орқали аниқлаш.** Ўқув мақсади бу усулда қўйилганида, педагог диққат-марказига ўзининг фаолиятини қўяди. Масалан: талабаларни боланинг ёш давларини ўрганиш принциплари билан таништириш. Мақсадни ифодалашидан кўриниб турибдики, бу мақсад ҳақиқий ўқитиш натижаси билан боғлиқ эмас. Ўқув мақсади бундай қўйилганида, мақсадга эришганлигини баҳолаш умуман ҳисобга олинмаган.

– **Ўқув мақсадларини талабанинг ички ривожланиш (ақлий, ҳиссий, шахсий...) жараёнлари орқали аниқлаш.** Ушбу усулда бир неча фанлар (масалан: умумтаълим фанлари) ёки алоҳида фан бўйича умумлашган таълим мақсадлари аниқланади.

Масалан: корхонанинг молия фаолиятини таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш. Бу усул бир мавзу ёки мавзунинг таянч тушунчалари доирасига мутлақо тўғри келмайди. Бу усулда алоҳида бир машғулот бўйича аниқ мақсад қўйиб бўлмайди, демак, ўқитиш натижаларини баҳолаш имконияти ҳам бўлмайди.

– **Ўқув мақсадини талабалар фаолияти асосида белгилаш.** Ўқув мақсадини бундай қўйганда, дарсни режалаштириш ва унинг аниқлиги назарда тутилади. Аммо бунда ҳам энг муҳим нарса, кутиладиган натижа ҳисобга олинмайди. Масалан: дарс мақсади – корхона баланс даромадини аниқлаш бўйича масалаларни ечиш. Бу ҳолатда қўйилган мақсадга эришишни белгиловчи механизм назарда тутилмаган.

Педагогик технология негизида аниқ қўйилган мақсадларга кетма-кет йўналтириш, яхлит ўқув жараёнини қамраб олган тезкор алоқа ва талаба хатти-ҳаракати орқали ўқитиш ётади.

Талабалар хатти-ҳаракати орқали ўқитиш – педагогик технологияларнинг негизидир.

Педагогик технологияда ўқув мақсадларини қўйиш усули, ўқув мақсадларининг талаба хатти-ҳаракатлари билан ифодаланган ўқув натижалари орқали шакллантиришдан иборатдир.

Бунда педагог ёки бошқа эксперт талаба хатти-ҳаракатини аниқ кўриши ёки ўлчаши мумкин. Талабалар хатти-ҳаракатлари орқали ифодаланган режалаштирилган ўқув натижаларини тўла ташхислаш ва ўқитишда қайта такрорлаш имкониятини яратиш учун, ўқув мақсадлари шундай аниқ қўйилиши керакки, унга эришилганлигини иккиланмасдан аниқлаш мумкин бўлсин.

Баъзи мутахассислар уларни идентификацион ўқув мақсадлари деб ҳам атайдилар. Мақсадни тўла идентификация қилиш ғояси асосида, талабалар фаолиятини анъанавий умумий қилиб эмас, балки аниқ кузатиладиган, ўлчамли қилиб ифодалаш назарда тутилади.

Ўқув мақсади тушунарли, аниқ, идентификацияга мойил бўлиши керак.

Идентификацияланган ўқув мақсадини ифодалашда талабаларнинг хатти-ҳаракатларини аниқ ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Мақсадни идентификациялаш ғояси ўқув фаолиятини аниқ, кузатиладиган ўлчанадиган хатти-ҳаракатлар орқали изохлашни талаб қилади. Бундай технология ва ёндашиш Америкада энг ривожланган психологиянинг йўналиши – бихевиоризм (Бехавиорхулк) таъсирида ривожланган. Психологиянинг ушбу йўналиши

психикани (руҳият) фақат унинг ташқи кўринишлари (ҳаракат ва нутқ), яъни кузатиладиган хатти-ҳаракатлари асосида ўрганади. Аниқ мақсадларни шакллантириш учун ҳар бир билим соҳаси (табиий фанлар, математика ва бошқалар) бўйича алоҳида феъллар рўйхатини тузиш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, идентификацион мақсад, кутиладиган натижани мутлақо, тўлиқ тавсифини бермайди, аммо мазкур воситалар ёрдамида эришиш мумкин бўлган максимал натижани белгилайди. Ўқитиш натижаларини қандай қилиб хатти-ҳаракатлар йўналишига айлантириш мумкин? Бунга қуйидагича эришиш мумкин:

- Ўқув фани бўйича тоифаларга ва кетма-кет даражаларга бўлинган ўқув мақсадлари тизимини яратиш орқали. Ўқув мақсадларининг бундай тизимлари педагогик таксономия деб ҳам номланади (юнонча тахис – тартиб билан жойлаштирмак, номос – қонун).

- Педагог ноаниқ, умумий таърифларни алмаштириши учун, ўқув мақсадларини изоҳлашнинг аниқ равшан кўринишини яратиши орқали.

Бугунги кунда энг ривожланган таксономиялардан бири – америкалик педагог олим Б.Блумнинг тизими ҳисобланади. Б.Блумнинг таксономияси ўқув мақсадларини аниқлаштирибгина қўймай, балки уларни тартибга ҳам солади. Ўқув мақсадларини аниқ тоифалаш педагогга ўз ҳаракатини бош мақсадга йўналтириш ва ўқув материалларини аниқ тушунтиришга имкон яратади. Б.Блум бўйича ўқув мақсадларининг асосий тоифалари: билиш, тушуниш, қўллаш, анализ (тахлил), синтез ва баҳолаш (1-жадвал).

1-жадвал

<i>№</i>	<i>Ўқув мақсадларининг асосий тоифалари</i>	<i>Умумлаштирилган ўқув мақсадлари тури намуналариталаба</i>
1	<i>Билиш</i> Бу тоифа ўрганилган материални аниқ далилдан бошлаб бутун бир назариягача эсда сақлаш ва қайта тиклашни англатади.	Ишлатиладиган атамалар, аниқ далиллар, услублар ва жараёнлар, асосий тушунчалар, қоида ҳамда тамойилларни билади.

2	<p><i>Тушунтириш</i></p> <p>Унинг кўрсаткичи, материалнинг бир шаклдан бошқа шаклга ўтказилиши (ифодага), материални интерпретацияси (тушунтириш, қисқа баёни) ёки ҳодиса ва воқеаларнинг истиқболдаги натижаларини башорат қилиш.</p>	<p>Оғзаки материални интерпретация қилади, схема, график, диаграммаларни интерпретация қилади, оғзаки материални математик ифодага ўтказиши, мавжуд материалга асосланиб истиқболни тахминан башорат қилади.</p>
3	<p><i>Қўллаш.</i></p> <p>Бу тоифа ўрганилган материални аниқ шароитларда ва янги вазиятларда қўллаш кўникмаларини англатади. Бунга қоидалар, усуллар, тушунчалар, қонунлар, тамойиллар, назарияларни қўллаш кирилади.</p>	<p>Тушунчалар ва тамойиллардан янги вазиятда фойдаланади. Қонун ва назарияларни аниқ амалий вазиятда ишлатади, усуллар ва жараёнларни тўғри қўллашни намоён этиши</p>
4	<p><i>Таҳлил</i></p> <p>Бу тоифа ўрганилган материал таркибини қисмларга бўлиб, унинг тузилмасини яққол кўрсатиш кўникмаларини англатади. Бунга бутун қисмларни ҳисоблаш, улар орасидаги боғлиқликни аниқлаш яхшилик тамойилларини англаш кирилади.</p>	<p>Яширин тахминларни белгилайди. Мантиқий хатолар ва камчиликларни кўради, аниқ далиллар ва натижа ўртасида фарқни аниқлайди, олинган натижалар аҳамиятини баҳолайди.</p>
5	<p><i>Синтез.</i></p> <p>Бу тоифа элементлардан, бўлақлардан янгиликка эга бўлган яхлитликни яратиш кўникмасини англатади.</p>	<p>Ҳажми катта бўлмаган ижодий ишлар ёзади. Эксперимент режасини тузишни таклиф этиши. Бу ёки у муаммони ечиш режасини тузиш учун турли</p>

	Бундай янги маҳсулот: маъруза иш режаси, умумлаштирилган мажмуаси бўлиши мумкин. Тегишли ўқув натижалари схема ва тизимларни тузишга йўналтирилган ижодий фаолиятни тақозо этади.	соҳалардаги билимларини қўллайди.
6	<i>Баҳолаш.</i> Ушбу тоифа бу ёки у ўрганилган материални аниқ мақсад учун баҳолаш малакасини англатади. Баҳолаш аниқ мезонларга таяниши лозим.	Ёзма матн шаклида тузилган материалнинг мантикийлигини баҳолайди, хулосаларнинг мавжуд маълумотларга мослигини баҳолайди, у ёки бу фаолият натижасининг муҳимлигини баҳолайди

Педагогик технологияда Б.Блумнинг таксономияси ўқув мақсадлари тоифаларига мос феъллар ёрдамида қўлланилади.

2-жадвал

Б.Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадлари тоифаларига мос келувчи феъллар намуналари

№	Ўқув мақсадлари	Феъллар	
1.	Билиш	Қайтариб айтиш Қайд қилиш Хабар бериш Номламоқ, атамоқ Ёзмоқ	ифодалаш фарқлаш таниб олиш айтиб бериш такрорлаш
2.	Тушуниш	Далиллар келтирмоқ Алмаштирмоқ Аниқламоқ, Белгиламоқ Тушунтирмоқ	ўтказиш, айлантириш ўзгартириб бериш сурат билан кўрсатиш изоҳ бериш, очиб ташлаш.
3.	Қўллаш	Тадбиқ этиш Ҳисоблаб чиқариш Намойиш этиш Фойдаланиш, ўрганиш	аниқлаш бажариш ҳисоблаш амалга ошириш, ечиш

4.	Анализ	Келтириб чиқариш Ажратиб кўрсатиш Дифференциялаш Таснифлаш Таклиф этиш	олдиндан айтиш қисмларга ажратиш тақсимлаш текшириш гуруҳлаш
5.	Синтез	Кашф этиш Умумийлаштириш Режалаштириш Ишлаб чиқиш	тизимга солиш қўшиш, уламоқ тўзиш лойиҳалаш
6.	Баҳолаш	Диагностикалаш Исботлаш Асослаш Ўлчаш Маъқуллаш	баҳолаш, текшириш назорат қилиш таққослаш солиштириш қиёслаш

Ўқув фани бўйича ўқув мақсадларини аниқлаштириш бу таксономия асосида уч босқичда ўтказиш тавсия этилади:


Биринчи босқичда ҳар бир мавзу бўйича таянч ибораларни аниқлаш лозим. Одатда бу 3...5 таянч иборалар ёки атамадан иборат. Таянч иборалар, атамалар, тушунчалар йиғиндичи мавзунинг асосий мазмуни, унинг моҳиятини белгилайди. Бир фан бўйича таянч иборалар, атамалар, тушунчаларнинг умумий сони бир неча ўнликдан, бир неча юзтагача бўлиши мумкин.

Иккинчи босқичда фан, бўлим, мавзу бўйича ўқув мақсадлари тоифасини аниқлаш лозим.

Ўқув мақсадларининг бундай бўлиниши, ишлаб чиқаришда технологик жараёни босқичма-босқич, операциялар, бўлинмаларга бўлиб бажарилишига ўхшайди.

Ўқув мақсадларини аниқлаштириш табиийлиги, ўқув мақсадларининг мажмуаси «ўқув мақсадлари дарахтини» шакллантириш билан белгиланади.

Ўқув мақсадлари тоифалари ўқув материалнинг ўзлаштирилиши даражасини белгилайди. Масалан: баъзи таянч тушунчаларни (усул, тамойил, кўрсаткич, коэффициент, атама, таъриф, қонун, теорема) талаба билиши даражасида (материални эсда тутиш) ўзлаштириши лозим, бошқаларини қўллаш – даражасида (ўқув материални муайян вазиятда қўллаш малакаси), учинчиларини баҳолаш – даражасида (ўқув материали аҳамиятини муайян мақсадлар учун баҳолаш, хулосалаш малакаси) ва бошқалар.



1. Дарахтнинг асосий туби фаннинг ўқув мақсади.
2. Шохлари – бўлим (модул)ларнинг ўқув мақсади.
3. Шохчалари – мавзулар ўқув мақсади.
4. Барглари – таянч ибораларнинг ўқув мақсади.

1-расм. Ўқув мақсадлари «дарахти».

Учинчи босқич ўқув мақсадларига эришиш мезонларини белгилаш лозим, яъни мақсадни шундай ифодалаш керакки, унга эришилганлигини адашмасдан аниқлаш мумкин бўлсин. Бу қайси соҳада (ўқув жа раёнида ёки ишлаб чиқаришда) қўлланилишидан қатъи назар, «технология» атамасининг мазмунидан келиб чиқадиган асосий талаблардан биридир.

Бундай аниқ таснифлаш ўқув жараёнини мақбул режалаштириш ва режалаштирилган ўқув натижасига эришишни таъминлайди.

Режалаштирилган натижага эришганликни, яъни ўқув мақсадини амалга оширишни фақат ташқи кўринишларга қараб баҳолаш мумкин – саволларга жавоб бериш, масалаларни ечиш ва бошқалар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ташқи белгиларга кўра баҳолашда талабанинг ички ҳолатидаги ўзгаришлар унинг интеллектуал ривожланиши ҳисобга олинмайди. Бу эса ўқитиш мақсадларидан биридир.

2. Ўқув жараёнини ташкил этиш йўллари.

Ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш ўқитиш самарадорлигини таъминловчи энг асосий манба ҳисобланади. Биринчи навбатда, бу маърузалар ва амалий (лаборатория, семинар) машғулотлар орасидаги мутаносибликни аниқлаштириш лозим. Бу мутаносиблик ўқув фанининг мутахассислар тайёрлаш тизимидаги ўрнига боғлиқ. Маърузалар ва амалий машғулотларнинг мутаносиблиги т урлича бўлиши мумкин. Масалан: 100%–0; 70%–30%; 50–50%; 30%–70%. Олий таълим муассасаларида ҳар бир фандан амалий машғулотлар

бўлиши табиий. Нисбатнинг 30%–70%, яъни амалий машғулотларнинг маърузалардан анча кўп бўлиши айрим махсус фанларгагина қўл келади. Чунки, одатда, махсус фанлар амалиётда қўллай олиш даражасида ўзлаштирилиши лозим. 70%–30% нисбат, одатда ижтимоий-иқтисодий фанлар (техник олий ўқув юртларида), 50–50% нисбат умумқасбий фанлар учун қўлланилади. Математик ва табиий фанлар учун ушбу нисбат таълим йўналишига боғлиқ бўлади.

Ўқув жараёнини ташкил этишда аудитория ва мустақил ишлар учун ажратилган соатлар нисбатининг аҳамияти ҳам жуда муҳимдир. Бу нисбат 67%–33%; 60%–40%; олий таълим жараёнининг 1 ва 2-курсларида қўлланилади, чунки талабалар ҳали самарали мустақил ишлаш малакаларига эга эмаслар, 3 ва 4-курсларда 50%–50%; 40%–60% ишлатиш мақсадга мувофиқдир, чунки энди талабалар зарурий мустақил ишлаш малакаларига эга бўладилар ва улар курс ишлари, лойиҳалари, лаборатория ва амалий машғулотлар, битирув малакавий ишларни бажаришлари керак. Ўқув жараёнини кредит тизимида ташкил этишда, аудитория ва мустақил ишлаш соатларининг нисбати 33%–67% бўлиши одатий бир ҳолдир.

Аудитория соатлари тизимида маърузалар ва амалий (лаборатория, семинар) машғулотларнинг самарали мутаносиблиги, аудитория ва мустақил ишлар учун ажратилган соатлар нисбатини тўғри белгилаш ўқув жараёнини ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўқитишдаги барча ёндашувларни гуруҳлаб, уларни қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин: тушунтириш-кўргазмали, ижодий изланиш ва технологик кабилар.

Ўқитишда тушунтириш-кўргазмали ёндашув – бунда таълим олувчилар машғулот давомида ўқув ва услубий адабиётлардаги иллюстратив воситалар орқали «тайёр» ҳолда билим оладилар. Бу ёндашув эса анъанавийдир. Ушбу ёндашув профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ахборотларини етказиши ва талабалар эса хотираларига сақлашлари ва мустаҳкамлашдан иборат. Бунда билим, тушунча хотирада сақланаётган маълумот маъносини англатади. Билимларнинг мавжудлиги назорат ва имтиҳонлар орқали текширилади. Бу босқичда, яъни уни қайта такрорлаш босқичида, билимлар узоқ вақт сақланмайди. Ўқитишнинг тушунтириш-кўргазмали усулида профессор-

Ўқитувчининг талабаларга ўқув ахборотини етказишида, одатда, таълим олувчиларнинг фаоллиги ва ўқув маълумотни қабул қилишга тайёрлиги ҳисобга олинмайди. Бунда ўқитувчининг асосий вазифаси ўқув ахборотини талабага етказиш ва маълум йўллар билан уни талаба хотирасида мустаҳкамлашдан иборат. Бу ёндашувда ўқув мақсадлари умумий кўрсатилади ва ўқув фанининг даражаси ҳақида жуда кам миқдорда тасаввур бўлади. Ўқитиш мақсадига эришилганлигини баҳолаш имконияти бўлмайди, чунки улар ноаниқ кўйилади. Ўқитиш сифати педагогнинг маҳорати ва талабалар контингентига боғлиқ бўлади.

Талабанинг ўқув ахборотини қабул қилиши, ўйлаши, унинг хулосалари, баҳолашлари репродуктив (қайта тиклаш) фикр юритиш доирасида қолади. Ўқитишнинг тушунтириш-кўргазмали ёндашуви ўз моҳияти билан репродуктив усул бўлиб, бу усулда таълим олувчиларнинг фаолияти алгоритмик характерга эга бўлади. Ўқитишнинг тушунтириш-кўргазмали усули бир неча асрлар давомида доимо такомиллашиб, таълим тизимига катта хизмат қилди. Аммо у ҳозирги кунда илмий-техник тараққиётнинг ошиб бораётган талабларига жавоб бера олмайди.

Ўқитишда ижодий (тадқиқотчилик, изланувчилик) ёндашув – бу педагог бошчилигида қўйилган муаммолар, масалаларни ечишнинг йўлларини фаол излашни ташкил этиш усулидир. Бунда фикрлаш жараёни продуктив (унумли) характерга эга бўлади. Профессор-ўқитувчилар босқичма-босқич ҳамда доимий тарзда талабаларни изланиш жараёнига йўналтиради ва назорат қилади. Бунда вазифалар ва муаммолар таҳлили, қисқа оғзаки ёки ёзма тушунтиришдан сўнг, таълим олувчилар мустақил равишда адабиётлар ва манбаларни ўрганадилар, кузатишлар ва бошқа изланишлар олиб борадилар. Ўқув иши усуллари бевосита илмий тадқиқот усулларигача ривожланиб, мустақил тадқиқот ва ташаббусга қизиқиш пайдо бўлади. Талабалар мустақил равишда янги тажрибаларга эга бўлади, янги фаолият турларини ўрганадилар. Ўқитишнинг изланиш моделларининг таълим мазмуни билан ўзаро таъсири, шахснинг тадқиқотчилик ҳолати унинг фаол, ижодий фаолияти йўналишига боғлиқ бўлади.

Инновацион педагогик технологиялар – ўқув жараёнини замонавий ташкил этиш тизими бўлиб, оммавий таълим шароитида ўқитишнинг зарурий сифатини таъминлайди ва жадаллашган илмий-техник тараққиёт талабларига жавоб беради. Педагогик

технология тамойилларини тизимли амалга ошириш режалаштирилган натижаларга каф олатли эришишни таъминлайди. Педагогик технологиялар асосида ўқитишда талабаларда ижодий изланиш жараёни амалга оширилади.

3. Ўқув мақсадларига эришиш мониторингини лойиҳалаштириш

Педагогик технологияда ўқув мақсади шакллантирилганидан кейин уларни назорат топшириқларига кўчиришга ўтилади. Бундай вазиятда пировард натижага эришиш вазифаси қўйилади, у маъруза матнлари тайёрлаш ва машғулотлар ўтказишдаги ўқув мақсадлари билан чамбарчас боғланган ҳолда амалга оширилади.

Режалаштирилган натижаларга эришиш учун ўқув жараёнини тезкор баҳолаш керак, у эса тескари алоқа вазифасини бажаради. Қўйилган натижаларга эришилмаса тезкор баҳолаш ўқув жараёнига тузатишлар киритилиши лозимлигини кўрсатади. Ўқув материални тезкор баҳолаш тест методи асосида ўтказилади. Аниқ ўқув мақсадлари ифодалари, уларнинг тонфалари тестларни тузиш учун асос бўлади. Ўқув жараёнида ишлатиладиган тестлар диагностик (ташхислаш) хусусиятга эга, чунки ушбу тестлар натижасига кўра кейинги ўқув жараёни режалаштирилади.


Ўқитиш жараёнида тестлардан мунтазам фойдаланиш педагогик технологияларнинг хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ўқув жараёнини баҳолашда фойдаланиладиган тестлар эса, диагностик тестлар деб аталади.

Ўқув жараёнини тестлар орқали баҳолаш унинг кўзланган мақсадга кетма-кет йўналтирилишини таъминлайди. Тестларнинг стандартлаштирилганлиги уларни олдиндан тайёрлаб қўйишга имкон яратади. Шунинг учун педагогик технологияларнинг ютуқларидан бири – бутун ўқитиш жараёнини қамраб олувчи тестлар жамғармаси – топшириқлар тўпламининг яратилишидир.

Диагностик тестларни ишлаб чиқиш тартиби 2-расмда кўрсатилган.

Педагогик технологияда ўқув фани, ҳар бир боб, ҳар бир мавзуни (модул) ўрганиш мақсади шакллантирилади.

Ҳар бир мавзуни ўқиш жараёнида маълум миқдордаги таянч тушунчалар, иборалар ўзлаштирилади.



2-расм. Диагностик тестларни ишлаб чиқиш тартиби.

Ҳар бир таянч ибора бўйича ўрнатилган ўқув мақсадлари тоифаларига кўра талабаларнинг жорий ўзлаштирилишини баҳолаш учун диагностик тестлар ишлаб чиқилади. Мазкур ўқув мақсадининг тоифасига мос феълларни ишлатиш тест тузишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Ҳар бир таянч тушунча бўйича алоҳида жорий баҳолаш тестлари ишлаб чиқилади. Жорий баҳолаш тестлари миқдорини аниқлашда уларнинг ўтказилиш вақтини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир, одатда у 10 дақиқага тенг бўлади, бу эса тахминан 10 та тест топшириғидир.

Талабалар ўзлаштирилишини оралиқ баҳолаш тестлари одатда бир бўлим ёки асосий дарсликнинг бир боби ўқув материали миқёсида ўтказилади.

Жорий баҳолаш тестлари ҳар бир таянч ибора бўйича алоҳида ишлаб чиқилса, оралиқ баҳолаш тестларида бу таянч тушунчаларнинг бўлим ёки боб миқёсида ўзаро боғлиқлигида акс эттирилади.

Оралиқ баҳолаш тестларини ўтказиш учун - 30 дақиқа вақт етарли бўлади. Бу тахминан 20–30та топшириқни ўз ичига олади.

Якуний баҳолаш тестларида таянч тушунчаларнинг бутун фан миқёсида ўзаро боғлиқлиги акс эттирилади. Якуний баҳолаш тестлари одатда бир жуфт дарс вақтида ўтказилади – 80 дақиқа (танаффуссиз). Бунда топшириқлар сони 40–60 тани ташкил этади.

Ўқув материални ўзлаштириш даражасини ҳисоблаш мақсадида кодли белгилар киритиш мумкин.

α_1 – ахборотни эслаш ва қайта такрорлашга мўлжалланган топшириқлар;

α_2 – репродуктив даражадаги топшириқлар;

α_3 – продуктив даражадаги топшириқлар.

Б.Блум педагогик таксономияси бўйича ўқув мақсадлари тоифалари ва тест топшириқларининг мураккаблигини 3-жадвалдагидек боғлаш мумкин.

3-жадвал

Ўқув мақсадлари тоифаси	Ўзлаштириш даражаси
Билиш	α_1
Тушуниш	α_1
Кўллаш	α_2
Тахлил	α_3
Синтез	α_3
Баҳолаш	α_3

Тестларни тузишда қўлланиладиган феъллар тегишли ўқув мақсади билан бир тоифада бўлиши керак.

Тест топшириқлари орқали таълим олувчиларнинг ўқув материални қай даражада ўзлаштирганлигини текшириш мумкин. Бу белгига кўра тўртта ўзлаштириш даражаси фарқланади.

♦ ахборотни таниш, эслаш, қайта такрорлаш. Бу кўйидаги ўқув мақсади тоифаларига мос келади – билиш, тушуниш;

♦ репродуктив фикрлаш – қўллаш ўқув мақсади тоифасига мос келади.

♦ продуктив фикрлаш – таҳлил, синтез, ўқув мақсади тоифаларини ифодалайди.

♦ изланиш-ижодий фикрлаш – бу кўпроқ баҳолаш ўқув мақсади тоифасига мос келади.

Ўқув материални ўзлаштиришнинг маълумотни таниш, эслаш, қайта такрорлаш даражасини текшириш учун тест топшириқлари хотира фаолияти билан боғлиқ билимларни текширишда ишлатилади. Бу топшириқлар талабалардан формула, таъриф, қоида ва бошқаларни берилган вариантлардан фарқлаш, таниб олиш ёки эслашни талаб қилади. Бу энг содда, паст даражадаги ўзлаштиришни текшириш бўлса-да, ўқув жараёни шу даражага асосланади.

Репродуктив ўзлаштириш даражасини текшириш учун тест топшириқлари талабалардан олдин ўрганилган намуна асосида мустақил фаолият кўрсатишни талаб қилади. Бу ҳолда олдин ўзлаштирилган формула, қонун, қоида кўллаб, олдингиларига ўхшаб берилган масалани ечишдан иборат. Бундай тестларни ечишда, одатда, жавобларни ҳисоб-китоб қилиш талаб қилинади.

Продуктив ўзлаштириш даражасини текшириш учун тест топшириқлари талабалардан ўзлаштирилган билимлардан мустақил фойдаланиб, бошқа турдаги масалаларни ечишни талаб қилади. Бу фаолият талабаларнинг ўзлари масалани ечиш алгоритминини тузиши билан характерланади. Одатда бу маълум қоида ва формулалар мажмуасини ностандарт масалаларни ечишда қўллаш орқали амалга оширилади.

Продуктив ўзлаштириш даражасини текшириш топшириқлари *диагностик* ва *дидактик* аҳамиятга эга. Уларни бажариш мантиқий фикрлашни талаб қилади. Мазкур тестлар ўз моҳиятига кўра талабалар эгаллаган кўникмаларини баҳолайди.

Бундай тестлардан ўқув фанининг ўзлаштирилишини яқуний баҳолаш босқичида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Продуктив ўзлаштириш даражасини текширишда тест топшириқлари мураккаб ҳисоб-китоблардан иборат бўлиши шарт эмас. Бундай топшириқларнинг асосий хусусиятларидан бири – мантикий асосланган хулосалар занжирини яшадан ибратлигидадир.

Изланиш ижодий даражадаги тестлар талабалардан ўқув жараёнига ностандарт ёндашиш, тасаввур, ижодкорлик, фантазия, интуицияни талаб қилади. Бу эса мураккаб, олий даражадаги тестлар ҳисобланади. Бундай тестларнинг фан олимпиадаларида қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Педагогик технологияларда тестлар ишлаб чиқариш жараёнидаги ўлчов асбоблари вазифасини бажаради. Тест топшириқларини турли шаклларда тузиш мумкин. Энг кўп ишлатиладиган шакллар: ёпиқ, очик, мувофиқликни ўрганиш, кетма-кетликни тартибга солиш кабилар.

Ёпиқ тест топшириқлари шарт ва жавоблардан иборат. Мазкур турдаги тестларнинг ёпиқ деб аталишига сабаб шуки, синалувчи унга берилган жавоблардан тўғриси танилаши керак.

Берилган бешта жавобдан биттаси тўғри бўлиши тавсия этилади. Бундай вазиятда тўғри жавобни тасодифан топиш имконияти жуда паст. Тест шундай тузилиши керакки, унга жавоб берилганда синалувчи ўз билимларини ишлатиб, барча жавобларни таҳлил қилиши керак. Жавоблар мазмунан бир-бирига жуда яқин бўлмаслигига эришиш лозим. Қуйида худди шундай тестлардан намуна беришга ҳаракат қиламиз.

Намуна:

Педагогик таксономия қандай имконият яратади?

А. Ўқув мақсадларини тоифалаш.

В. Мавзунинг таянч ибораларини белгилаш.

С. Ўқув мақсадини шакллантириш.

Д. Ўқув мақсадига эришиш кафолати.

Е. Ўқув мақсадини коррекциялаш.

Жавоб: А.

Очик тест топшириқлари синалувчиларга ўз жавобларини бериш имониятини беради.

Ушбу тестлар ка лит сўз(сўзлар)и қ олдирилган га п ш аклида тузилади.

1. Намуна.

Педагогик таксономия ... имконият беради.

Жавоб: ўқув мақсадларини тоифалашга

2. Намуна

Очиқ тестлар деб _____ қолдирилган, жавоб вариантлари берилмаган топшириқларга айтилади.

Жавоб: калит сўзи

Очиқ тест топшириқларини ўқитишнинг дастурлаш технологияларида кенг қўллаш мумкин.

Мувофиқлигини ўрганиш тест топшириқлари. Бунда бир мажмуа элементларининг иккинчи мажмуа элементларига мослиги ўрганилади.

Намуна

Педагогик технологиянинг афзаллиги:

А. Ўқитишнинг режалаштирилган натижаларига кафолатли эришиш;

В. Ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш;

С. Ўқув жараёнини ифодалаш;

Д. Ўқитиш натижаларини баҳолаш;

Е. Ўқитишнинг самарали усулларини қўллаш.

Жавоб: А.

Кетма-кетликни тартибга солиш тест топшириқлари.

Бунда талабаларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳисоб-китобларни талаб қилинган кетма-кетликда бажара олишлари текширилади.

Жавоб индекслар кетма-кетлик шаклида бериледи.

Намуна:

Б.Блум педагогик технологияси бўйича ўқув мақсадлари тоифаларини тўғри кетма-кетлигини кўрсатинг:

А. таҳлил

Д. билиш

В. синтез

Е. тушуниш

С. қўллаш

Жавоб: Д, Е, С, А, В.

Талабалар билан тестларни ташкил этиш жараёни диагностик характерга эга бўлиши керак. Диагностика ҳар бир таълим олувчининг тараққиёт тенденциясини олдиндан аниқлаш ва башорат қилишга йўналтирилган. Тескари алоқа жараёни диагностика билан башорат қилиш синтезидан иборат. Бу эса ўқув мақсадларига эришиш мониторинги демакдир. Мониторинг атамаси инглизчадан олинган бўлиб «узлуксиз кузатиш» деган маънони англатади. Ўқув

жараёни мониторинги ўқитишнинг режалаштирилган натижаларига эришишни таъминлайди. Ўқув мақсадларига ўқитишни кўзланган натижаларга эришишга педагогик технологиянинг куйидаги қоидалари хизмат қилади.

Эквивалент амалиёт қоидаси: Бу ўқитиш шарт-шароити ва ўқитиш жараёнида талабалардан кутилаётган хатти-ҳаракатлар тест ҳамда имтиҳон даврида кутилган натижа билан мос келишини англатади. Ўқитишдаги фаолият ёндашуви бу қоиданинг амалиётда рўёбга чиқишига олиб келади.

Ўхшаш амалиёт қоидаси: Бунда талабаларда кутилаётганга ўхшаш, аммо ундан фарқ қиладиган ҳаракатларни бажариш имконияти бўлади.

Ўқитиш «натижаларини билиш» қоидаси: бу қоидага кўра талабага ҳар бир ҳаракатининг натижасини зудлик билан билдириш кўзда тутилади. Бу тескари алоқа таъминланганида амал қилиб, ўқитиш натижаларини жорий баҳолашга хосдир.

Педагог томонидан изобий қўллаш қоидаси – бу талабаларни педагог томонидан чиройли сўзлар билан илҳомлантириш, рағбатлантириш, ички ҳаракатга ундашдир. Ўқитиш жараёнида профессор-ўқитувчилар талабаларни юксакларга кўтариши ва белгиланган таълим натижаларига эришишга қизиқтириши зарур. Масалан: жуда яхши, аниқроқ ифода қилишга ҳаракат қилинг, ажойиб, яна ишлаб кўриш керак ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган қоидалар ўқитиш жараёни самарадорлигининг ошиши ҳамда ўқув мақсадларига эришишга олиб келади.

Назорат саволлари

1. Аниқ ўқув мақсади тушунчасини изоҳлаб беринг?
2. Ўқув мақсадларини шакллантириш усуллари ҳақида тушунча беринг?
3. «Ўқув мақсадлари дарахти»ни шакллантириб беринг?
4. Технологик ўқитиш усулининг моҳияти нимада?

ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ УМУМИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

РЕЖА

1. «Инновация» сўзининг мазмуни.
2. Инновацион технологияларнинг босқичлари.
3. Инновацион жараёнлар ривожланишининг умумий йўналишлари ва мазмуни.

Мамлакатимизда педагогик инновациянинг ривожланиши кенг илмий жамоатчилик ва педагоглар ҳаракатининг тез тараққий этишига бўлган талаб, мазкур талабнинг улар томонидан амалга ошира олмасликлари ўртасида юзага келаётган қарама-қаршиликлар билан боғлиқ. Шу сабабли бўлажак мутахассислар янги билимларга бўлган талаб, янги «янгилик», «янги инновация», «инновацион жараён» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини чуқур англашлари талаб этилади.

«Инновация» сўзи латинчадан олинган бўлиб, янгиланиш, ўзгартириш, янгилик киритиш деган маъноларни билдиради.

Педагог олимлар таълим-тарбия жараёнига янгиликлар киритилишини текшириш жараёнини уч босқичга ажратадилар. Биринчи босқич янгиликлар муваффақиятига ёрд ам бе рувчи ёк и тўсқинлик қилувчи омилларни ўрганиш ва мазкур янгиликлар кўпгина эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш билан боғлиқ.

Иккинчи босқич янгилик киритиш жараёнининг ўзи, уларни бир соҳа муҳитида иккинчи соҳага олиб ўтиш механизмини ҳисобга олиш билан биргаликда ўрганиш, деб қарайдилар.

Учинчи босқичда тадқиқотчилар диққати турли хил инновацион вазиятларни таҳлил қилиш, таваккалчиликни баҳолаш методларини ишлаб чиқиш, янгиликларни киритиш соҳасида тавсияномалар юзага келтиришга қаратилади. Бу босқичда инновацион технологиялар бўлажак мутахассислар фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

«Инновация» тушунчаси биринчи марта XIX асрда маданиятшунослар томонидан ўрганилган тушунча сифатида вужудга келган ва муайян маданият элементларини бошқасига жорий қилиш

маъносини англаган. Унинг ушбу маъноси ҳозиргача этнографияда сақланиб қолган.

XX аср бошларида янги билим соҳаси—янгиликларни киритиш, қўллаш каби тушунчалар вужудга кела бошлаган. У маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида техник янгиликларни киритиш қонуниятларини ўргана бошлаган. Янгиликларни киритиш ҳақидаги фан — инноватика—фирмаларнинг янги режа, хизматларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш фаолиятига талаблари кескин ошиб бориши акс эттирилган ҳолда пайдо бўлган.

XX асрнинг 30-йилларида АҚШда «фирма инновацион сиёсати», «инновацион жараён» атамалари вужудга келган. XX асрнинг 60–70-йилларида эса Ғарбда фирмалар ва бошқа корхоналар амалга оширилаётган янгиликларни эмпирик текширишлар кенг қулоч ёя бошлаган.

Педагогик инновацион жараёнлар Ғарбда XX асрнинг 50-йиллари охирилари, маълуматимизда эса сўнгги ўн йилликдан бошлаб, мутахассислар томонидан махсус ўрганила бошланди.

Жаҳон педагогик жамоатчилигининг фикр-мулоҳазалари, қизиқишлари махсус инновацион хизмат, нашриёт, журналлар инновацион мақолалар кўринишида тақдим этилмоқда. Хусусан, ЮНЕСКО қошида таълимни ривожлантириш Осиё педагогик инновациялар маркази мавжуд бўлиб, жаҳоннинг турли мамлакатларидаги педагогик янгиликларни умумлаштириб, таълим масалалари бўйича халқаро бюро билан биргаликда, педагогик жамоатчиликка махсус нашрларда улар ҳақида маълумотлар тарқатади.

Инновацион жараённинг микроструктурасини ўрганиб олиш янгилик киритишнинг ҳаётийлиги ғоясига таянадилар. Бу жараёнда янгиликлар яратилиши ва ижро этилишини таъминловчи фаолият бир қатор босқичларда амалга оширилади. Илмий адабиётларда қуйидаги инновацион жараён босқичлари ажратиб кўрсатилган:

1. Янги ғоя вужудга келиши ёки янгилик концепцияси юзага келиш босқичи; мутахассислар уни шартли равишда фундаментал ёки илмий амалий текширишлар (бирдан пайдо бўладиган) натижаларидан келиб чиқадиган янгилик босқичи деб атайдилар.

2. Кашф этиш вақти, объекти, моддий ёки маънавий маҳсулот намуна кўринишидаги янгилик яратиш.

3. Яратилган янгиликка қўшимчалар кириши ва бойитиш; бу босқич янгилик киритишдан мустаҳкам самарадорликка эришиш

билан яқунланади. Шундан сўнг янгиликнинг мустақил мавжудлиги бошланиб, янгилик киритиш жараёни кейинги босқичга ўтади.

4. Янгиликнинг тарқалиши, унинг янги соҳаларга диффузияланиб (қўшилиб) кенг татбиқ этилиши.

5. Янгиликнинг муайян соҳада амал қилиши, бунда янгилик глобал аҳамият касб этмайди. Бу босқич янгилик пайдо бўлиши ёки унинг янада самарадорлиги билан яқунланади.

6. Янгиликнинг қўлланилиш доираси қисқариб, самарадорлиги кенгайдиган босқич.

Юқорида келтирилган инновацион жараёнлар мазкур босқичларни ўз ичига олиб, улар кетма-кетлиги ва боғлиқлигига риоя қилиш шарт эмас.

Таълим жараёнига янгилик киритиш, янгиликни яратиш ва тарқатиш комплекс ва мақсадга мувофиқ жараён сифатида қаралиб, унинг мақсади шахснинг талаб ва эҳтиёжларини янги усуллар ҳамда воситалар билан қондиришдан иборат. Бу эса инновацияларнинг самарадорлиги, мунтазамлиги ва ҳаётийлигини таъминловчи тизимларни муайян сифат ўзгаришларига олиб келади.

Инновацион жараёнлар бошқа сифат ҳолатига ўтиши, эскириб қолган қоида, вазият ва аҳамиятларни қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ. Бир даражали қатор янгиликлар йиғиндиси ёки умумийлиги инновацион яхлитликни ташкил этади.

Янгилик киритиш ички мантқ ва йўналишларга эга бўлиб, у янгилик ғояси (фикр) туғилишидан то унинг фойдаланилишигача бўлган ҳаракатларни ривожлантириш ҳам инновацион жараён иштирокчилари ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Шу тариқа, янгилик киритиш динамик характер касб этиб, ички мантқ каби муайян вақт давомида қонуний ривожланиши, унинг атроф муҳит билан ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Инновацион жараённинг тузилиши янгиликнинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиб бориши билан ўзгариб, такомиллашиб боради.

Шу билан бир қаторда, янгиликнинг динамик хусусиятлари унинг натижаси ва самарадорлик даражасига боғлиқ. Янгиликнинг яқунланганлиги ёки унинг имкониятлари амалга оширилганлик даражаси инновацион жараённинг барча босқичлари қанчалик муваффақиятли ташкил этилиши билан изоҳланади.

«Инновацион» атамасига яқин бўлган «ўзгариш», «мукаммаллаштириш», «ислоҳ қилиш» тушунчалари ҳам мавжуд. Таълим

жараёнига янгилик киритиш педагогик текширишларни баҳолашнинг асосий ўлчовларидан бири бўлиб, у иқтисодий жараённинг асосий натижаси, ҳар қандай янгилик киритишнинг мустақил қиммати ва хусусияти ҳисобланади.

Инновацион педагогик муаммоларнинг ечилишини таъминлаш таълим соҳасида инновацион жараёнлар бориши, уларнинг хусусиятлари, мазмуни, таркиби ва классификациясини текшириш натижаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да: «Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб боради. Таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мавқеи ошиб боради, телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланади, Фан ва таълимнинг нашриёт базаси ривожлантирилади, ўқув, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилади», деб таъкидланган.

Маълумки, дидактиканинг предметини ўргатиш, ўрганиш, таълим мазмуни кабилар ташкил қилади. Бунда иштирок этаётган 3 та компонент бир-бири билан шундай узвий алоқадорликда амал қиладики, улардан ҳеч бирини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Ўргатиш ҳам, ўрганиш ҳам, асосий мақсадга йўналтирилган якуний натижа – таълим мазмунига боғлиқ.


Ҳар хил мазмун уни ўзлаштиришнинг ўзига хос усуллари билан фарқ қилганлиги учун ўрганишнинг қандай бўлиши ҳам унинг мазмуни билан алоқадорликда амал қилади. Бу эса ўрганиш жараёнини ташкил этувчи профессор-ўқитувчиларга боғлиқ. Шундай қилиб, дидактик тафаккур – бу ўрганиш, ўргатиш ва таълим мазмунининг доимий алоқалари, муносабатларини излаш, аниқлаш демакдир.

Профессор-ўқитувчилар талабаларни фаоллаштирадиган ўқитишнинг қулай бўлган йўллари, воситалари, усуллари, шакллари, методларини излайдилар ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб борадилар. Шунинг учун ҳам, «педагогик технология», «дидактик технология», «таълим технологияси» атамалари билан бир қаторда, «педагогик инновациялар» атамаси мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида бўлажак

мутахассисларга юқори даражадаги билим бериш ва уларни ривожлантириш зарур. Бу масалани ижобий ҳал қилиш илғор тажрибалар, янги педагогик технологияларни излаш, уларнинг дидактик имкониятларини амалиётга татбиқ этишга бўлган ҳаётий эҳтиёжни талаб қилади. Шу билан бир қаторда, таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш, уларнинг муқобилларини топиш, амалиётда синаб кўриш ва жорий қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш масаласининг долзарблигини оширмоқда. Бугунги кунда мутахассислар ушбу тизимни яратиш йўлида бир қатор изланишлар, саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар.

Педагогик инновацияларни ҳаётга татбиқ этишнинг ташкилий асослари



Шу боисдан педагогик инновацияларни излаб топиш, ўрганиш, таҳлиллар асосида энг кўп самара берадиганларини танлаб олиш ва уларни амалиётда қўллаш тартибини белгилаб

берадиган муайян тизимни яратиш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, бунинг учун, биринчидан, инновациялар ҳақида аниқ маълумотлар жамғармасини яратиш зарур.

Назорат саволлари

1. «Инновация» сўзининг мазмуни ҳақида тушунча беринг?
2. Инновацион технологияларнинг босқичлари ҳақида маълумот беринг.
3. Инновацион жараёнлар ривожланишининг умумий йўналишлари ва мазмуни ҳақида маълумот беринг.
4. Педагогик инновацияларни ҳаётга тадбиқ этишнинг ташкилий асослари нимада?

ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

РЕЖА:

1. Педагогик инновацияларнинг мазмуни ва йўналишлари.
2. Педагогик тизимни такомиллаштиришнинг асосий йўллари.
3. Педагогик тизимда инновацияларнинг ўрни.

Биз «Педагогик тизим» ва «Педагогик тизимда янгиликлар киритиш» тушунчасини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Бизга маълумки, педагогик жараён педагогик тизим асосида амалга оширилади. Педагогик тизим – бу маълум педагогик концепция, назария ва ёндашувларнинг муаллифлар томонидан педагогик амалиётга жорий этишдаги изчиллик; шахс шаклланишига таъсир кўрсатадиган педагогик принцип, восита, усул ва методлар йиғиндисидир. Бунда таълим жараёни субъектлари доимий тарзда такомиллашишга эҳтиёж сезадилар. Таълим жараёнига янгилик киритиш педагогик тизимнинг муҳим таркибий қисмлари «Натижалар», «Ўқув тарбиявий жараёни бошқариш», «Технологиялар»дан билан алоқадорликда амалга оширилади.

Мазкур тушунчалар қуйидаги расм – «Педагогик тизим модели»да ифодаланган. Мақсадлар натижалар билан мос келиб, узлуксиз ташкил этилади. Мақсадларнинг натижа билан тўла мос келиши педагогик жараёнинг ишончли ўлчов кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Педагогик тизим бошқарув, бирлаштирувчи барча таркибий қисмлари нисбатан мустақил ҳисобланади, чунки улар ўз мақсад ва тузилишларига эга.



Педагогик тизимнинг ташкил этувчи таркибий қисми сифатида уни алоҳида омиллар бирлиги эканлигини таъкидлаган

ҳолда, кўпинча, ўқув-тарбия жараёнининг технологиясини кўрсатадилар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай педагогик тизим ҳам технологиядир. Ана шу хусусиятига кўра педагогик тизимни таркибий қисмлари ихтиёрий «тўпламидан» ажратиб олиш бир қадар осон ҳисобланади. Технологик тушунчаси – қатъий ташкилий мантиққа бўйсунувчи имкониятларни белгиловчи тизимнинг ички сифатидир.

Ҳар қандай педагогик тизимнинг максимал самарадорлик даражаси кўзланган мақсадга тўла эришишга йўналтирилган бўлиб, бўлажак мутахассислар бунини англашлари лозим. Педагогик тизим тузилишига яна бир бор назар ташласак, у баърича технологиялар учун бирдай амал қилади.

Педагогик тизимнинг умумий назариясидан маълумки, уни бараварига бир неча параметрлар бўйича яхшилаш мумкин эмас. Бунда энг самарали йўл янгиликни аста-секин, унинг фойдалилик даражасига ишонч ҳосил қилиб, ҳар томонлама текшириб, кейинги ишларни лойиҳалаштиришдан иборат. Таҷрибалар шунини кўрсатадики, талабалар ҳар бир яратилган янгиликни амалиётда қўллашлари жараёнида унга мослашишлари ва сусткашликни енгишлари талаб этилади.

Педагогик тизимни такомиллаштиришнинг асосий йўллари иккита: а) интенсив ва б) экстенсив. Интенсив ривожланиш педагогик тизимни ички имкониятлар ҳисобига, экстенсив йўл эса қўшимча кучлар жалб этиш – яъни, воситалар, асбоб-ускуналар, технологиялар ҳисобига такомиллаштиришни кўзда тутди.

Баъзи назарийчиларнинг фикрича, жуда яқин вақт ичида педагогикада инновациялар биргина маънони – орқага, ўтмишга, ўйлаб ва оқилона тарбиялаш, маънавий тарбияловчи, янгиликларсиз ва тиришишларсиз тинч тизимга қайтишнигина билдиради деган фикрни айтмоқдалар.

Ҳарб амалиётчилари экстенсив йўл билан педагогик маҳсулотни янги ахборот технологиялари, вақтни турли хил ўқув фаолиятларига тақсимлаш, синфдаги табақалаштириш ва индивидуаллаштириш ҳисобига ошириш билан ривожланиб бораётганлигини таъкидлайдилар. Бу жараёнда педагогик маҳсулот сифати яхшиланади. Бироқ, кўпчилик мустақил экспертлар бунга ишончсизлик билдирмоқдалар. Бу ҳолатдан чиқиш йўли инновация деб аталувчи, интенсив ва экстенсив йўллارни бирлаштиришга имкон берувчи педагогик тизим ривожланиши ҳисобланади. Бу педагогиканинг

фойдаланилмаган имкониятларини чуқур таҳлил қилишни талаб қилади. Бунда таълим жараёнидаги бўшлиқларни янги педагогик технологиялар билан мустаҳкамлаб, педагогик тизимнинг умумий самарасини яхшилашга ҳаракат қилиш лозим. Бундай ёндашишда инновация ўйлаб топилган «ташқи» чора бўлиб кўрилмайди, балки чуқур мазмунли тизимни билиш, англаб етиш тушунилади.

Агар шундай нуқтаи назар билан педагогик инновацияларга қаралса уларда деярли янги жиҳатлар йўқдай туюлади. Умуман олганда инновацион ғояларга инсоният тараққиёти жараёни ҳақидаги янги билимларга асосланган, педагогик муаммоларни ҳал қилишга илгари қўлланилмаган назарий ёндашувлар, аниқ амалий технологиялардан олинган юқори натижаларни киритиш лозим.

Педагогика фанида берилган ғояларни ишланганлик даражасининг мувофиқлиги бўйича умумий ва қисман инновацион лойиҳалар миқдори, шунингдек, педагогик амалиётда улардан фойдаланишнинг таҳлилий, умумий педагогик инновацияларга киритиш имконини беради.

1. Педагогик тизим ва педагогик амалиёт, янги бўлмаган, бироқ доимий долзарб ва ўқув-тарбия жараёнини мувофиқлаштиришнинг умумий ғоялари ва амалий технологияларини ўзида мужассамлаштирган.

2. Инсонпарварлик педагогикасининг барча назарий қоидалари ва амалий технологияларининг йиғиндиси жамланган.

3. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга янгича ғоявий ёндашувга асосланган.

4. Ахборотлаштириш, оммавий коммуникациялашнинг янги ғоялари ва воситаларини қўллашга асосланган технологиялар инновацион технологиялар ҳисобланади:

Инновацион технологияларни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Янги ғояларни излаш босқичи.

2. Янгиликларни вужудга келтириш босқичи.

3. Янгиликлар киритишни амалга ошириш босқичи.

4. Янгиликларни мустаҳкамлаш босқичи.

Янги ғояларни излаш босқичи таълим тизими муаммолари ва талабларини долзарблаштириш, мақсадларни аниқлаштириш, янгилик яратиш ғояларини ифода этиш бўйича дастлабки ишларни амалга оширишдан иборат. Янгилик киритишни шакллантириш босқичи таълим амалиётига янгилик киритиш ишларини фаол

тарзда лойиҳалаштириш, танланган янгиликни синаб кўриш, таълим жараёнида янгиликларни киритиш буйича қарор қабул қилишдан иборат.

Янгиликларни киритиш босқичини амалиётида тажриба-синов ўтказиш учун янгиликларни яратиш, ушбу жараённи таҳлил қилиб бориш, янгиликларни киритиш ва унинг мазмунини тузатиб боришдан иборат.

Янгилик киритишни мустаҳкамлаш босқичи эса таълим тизимининг янгидан шакллантирилган қисмлари мутахассислар онгида мустаҳкамлаш, педагогларнинг инновацион ҳаракатларини қўллаш ва методикалардан фойдаланишдан ташкил топади.

Барча босқичларнинг асосий мақсади бўлажак мутахассисларда янгиликни ўзлаштиришни ривожлантириш ва ўзлаштирилади янгиликка субъектив муносабатларни яратишдан иборат.

Бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлаш модели III ва IV босқичи қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

Бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлаш модели

Вазифалари	Бўлажак мутахассисларда педагогик маҳорат такомиллаштириш, уларда инновацион фаолият технологиясини ўзлаштиришларига кўмаклашиш.
Мазмуни	Муаллифлик дастурларини яратиш, методикасини ўзлаштириш. Тажриба босқичларида режалаштириш, татбиқ этиладиган янгиликни таҳлил ва таҳлил қилиш, янгиликни педагогик жараёнга киритиш, ушбу жараёнда кузатиладиган хато ва камчиликларни бартараф этиш.
Технологиялари	Олий ўқув юртларида инновацион фаолиятга алоҳида аҳамият қаратиш, ўз устларидан жамлаш, турли конференциялар, семинарлар ва уларни танларда иштирок этиш, педагогик технологияларни ўз фаолиятларида қўллаш.
Даража	Бўлажак мутахассисларда педагогик фаолиятга нисбатан руҳий тайёргарлик кучайтириш, инновацион фаолият ҳисси ва ижодий фаолият ривожланади.

Юқорида таъкидланганидек, мазкур педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этишда мактабгача таълим муассасаларидаги айрим м уаммоларни ба ртариф этиш талаб этилади. Б унда инновацион педагогиканинг таъсири кучли бўлиб, у мактабгача таълим йўналишидаги талабаларни янгиликлар мунтазам билан таништирилади. Булар: неология, аксиология, вараксиология. Ушбу курснинг асосий вазифаси фақатгина бўлажак мутахассислар инновацион фаолиятларининг омиллари, тўсиқларини очиб беришдан иборат эмас, балки янгиликни қабул қилиш учун психологик тайёргарликни юзага чиқариш, таълим жараёнида уларда педагогик инновацияларни қабул қилишни ҳам ривожлантиради. Ижодий фаолият психологик қонуниятларини ечиш, излаш, танлаш механизмини ўрганиш тренинглар жараёнида ҳам амалга оширилади. Бунда тузилган дастурнинг асоси шахснинг ўзини ижодий ривожлантириш принциpidан иборат.

Инновацион педагогика асослари бўйича дастурнинг асосий бўлимлари «инновация», «янгилик», «таълимнинг инновацион жараёнлари», «педагогик инновацион фаолият тузилиши», «янгилик киритиш технологияси» тушунчаларини очиб беришга мўлжалланган. Бунда энг аввало оммавий педагогик ҳаракатлар, инсонпарварлик педагогикаси ривожланишига туртки берган гоаялар ўрганилади.

Мазкур жараёнда асосий эътибор муаллифлик дастури, таълим-тарбия концепциялари яра тиш даражасида педагогик тажрибалар ишлаб чиқиш ва ўтказиш техникасига қаратилади. Талабалар амалий фаолияти концепцияларини ўрганиш, қондалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бевосита ишлайдилар. Бунда бакалаврият йўналиши талабалари билан бир қаторда, магистратурада тахсил олаётган бўлажак мутахассислар ушбу жараёнда иштирок этидилар. Шу билан бир қаторда, улар кичик бир ижодий жамоага жалб этиладилар. Шу тариқа, талабалар жамоада ишлаш кўникмасини эгаллай бошлайдилар. Ушбу курс дастури 70 соатга мўлжалланган бўлиб, 10 та назарий бўлимлардан иборат. Шунингдек, мазкур дастур маъруза, семинар ва лаборатория машгулотлари, мустақил тадқиқот ишларини ташкил этишни ҳам назарда тутди.

Курсни янада мустаҳкам ўрганишни белгилайдиган муҳим назарий бўлим – инноватиканинг асосий қондаларига бағишланган бўлим ҳисобланади.

Шу ўринда, таълимда янгиликлар киритиш моҳияти нимадан иборат, уларни қандай қилиб таҳлил қилиш керак, деган ҳақли савол туғилади. Шу тариқа, курс бошланишидан олдин асосий концептуал ғоялар, инноватика қоидалари кўриб чиқилади, таълим жараёнида инновацион жараён ҳосил қилиш, бу жараёнга иновацион технологияларнинг таъсири тўғрисида баён этилади. Бу бўлажак мутахассисларда кейинги мустақил ишлар учун вазифа қўйиш имконини беради. Семинар машғулотларда инновацион педагогиканинг асосий ғояларини тушуниш, болаларни тарбиялаш ва ўқитиш моделларининг муқобил турларини ўрганиш каби назарий баҳсларни ташкил этиш назарда тутилади. Талабалар семинар машғулотларида турли концепцияларни таҳлил қилиш асосида муқобил таълимнинг баъзи моделларига далилий баҳо берадилар. Лаборатория машғулотларида талабалар инновацион технологиялар билан танишадилар, улар билан бевосита шуғулланидилар, педагогик тажрибани ўзлаштириш методикаси, муаллифлик дастурини тузишга одатландилар. Шунингдек, мазкур типдаги машғулотларда ижодий фаолият кўрсатишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни бартараф этиш бўйича психологик тренинглар ўтказилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида педагогик амалиёт ўтказиш талабаларни педагогик жараёнга фаол иштирок эттириш, ушбу жараёни инновацион педагогика принциплари асосида ташкил этиш, уларга таълим шакли ва мазмунини танлаш эркинлигини бериш, ўз нуқтаи назарларини долзарблаштириш асосида ўқув муаммоларини ечиш, турли педагогик вазиятларни таҳлил қилиш асосида коммуникатив гуруҳлар ташкил этишни назарда тутати. Талабаларнинг бакалаврият ва магистратура босқичларида мустақил ишлари ўзига хос хусусиятларига эга. Жумладан, талабалар иккинчи босқичда кўп жиҳатдан мавжуд таълим лойиҳаларини мустақил тушуниш билан боғлиқ ҳолатларни ўрганадилар; учинчи босқичда улар ўзларининг шахсий ижодий маҳсулотини яратиш, индивидуал ёк и ижодий жамоада муқобил таълим концепциясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жиҳатларни ўрганадилар.

Педагогика олий ўқув юртлирида мазкур курсни амалга ошириш жараёнида мавжуд шартларга кўра қуйидаги икки вариантни назарда тутати:

1) барча талабалар учун курсни асосий қисмлари бўйича тизимли ўтиш ва тадқиқот ишлари мавзусини мустақил танлаш ва индивидуал маслаҳат олишга мўлжалланган;

2) инновацион педагогиканинг энг муҳим муаммолари бўйича йўналтирувчи маъруза ва семинар ўтказишни кўзда тутади.

Таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган муқобил моделларни ўрганиш талабаларнинг қизиқишлари ва лаёқатларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг танлови асосида амалга оширилади. Бу жараёнда дастурнинг биринчи варианты бакалаврият йўналиши талабалари учун кўпроқ тўғри келади, иккинчиси эса магистратура талабаларига хос ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу вариантларни танлаш талабалар ва профессор-ўқитувчилар хоҳишларига боғлиқ бўлади.

Талабаларда янгиликларга ижобий муносабат уйғотиш ва ўз муаллифлик дастурини ишлаб чиқиш, уни педагогик амалиётда татбиқ этиш истагани ривожлантириш мазкур жараённинг асосий вазифаси ҳисобланади. Чунки инновацион технологияларни амаллаш фақатгина талабалар ўз фаолиятларидаги камчиликлар ва қарама-қаршиликларни кўриб ва ўрганганларида катта аҳамият касб этади. Шунинг учун инновацион педагогика асослари курсини ўрганишда курс ишлари ва рефератлар ёзиш алоҳида дидактик аҳамиятга эга. Бундай тарздаги таълим бериш янгилик киритишнинг мақсадини аниқ белгилаш, ҳақиқий янгилик манбаларини аниқлаш, муаммоларнинг ечимларини излаш ва топиш имконини беради. Агарда ушбу курсни ўқитиш жараёнини талабаларнинг шахсий амалий муаммоларини таҳлил қилиш ва ечиш асосида ташкил этгандагина уларда ўз фаолиятларида инновацион технологиялардан фойдаланиш учун шарт-шароит яратилган деб ҳисоблаш мумкин.

Курсни ўрганишнинг муҳим омилларидан бири – бўлажак мутахассисларнинг таълим жараёнида янгиликларни ижтимоий-маданий, таълимий муаммоларини тушуниб етишлари, бу эса янгиликни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш йўлларидаги тўсиқларни кўра билишларига имкон берадиган технологияларни қўллай олишлари ҳисобланади.

Бўлажак мутахассисларнинг инновацион салоҳиятларини таълим жараёнига янгилик киритиш самарадорлигининг муҳим омили сифатида қаралса, бу жараён иштирокчилари турли ролларни мувофиқлаштириш, иштирокчилар ҳаракатларига мақсадга мувофиқ

таъсир этиш имкониятлари уларнинг роли нуқтаи назарлари юзага келиши механизмини тушунишга боғлиқ бўлади.

Таълим-тарбия жараёнида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш талабалар орасида ташкил этиладиган муаммоли вазиятларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу инновацион вазиятларда профессор-ўқитувчилар ўзларига мақбул ҳаракат усулларини амалга оширади. Шу билан бир қаторда, уни ечишда низоларни юзага келтирувчи ҳолатлар ҳам аниқланади. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг шахс сифатида юзага келган ҳаракат усуллари билан унга аниқ бир вазиятда кўрсатилган ҳақиқий талаблар ўргасидаги қарама-қаршиликлар назарда тутилади. Ушбу қарама-қаршиликлар ўз навбатида янгиликларнинг келиб чиқишига ҳам асос бўлиши мумкин ва талабаларда бир вақтнинг ўзида фикрлашни қайта ташкил этиш, уларни фаол қайта шакллантиришдан иборат бўлган шахсий ҳамда интеллектуал ривожланиш сифатида содир бўлади. Ижодий фаолиятда янгиликларнинг яратилиши талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларининг ривожланишига олиб келади.

Инновацион педагогик амалиёт талабаларнинг ижодий лаёқатлари ва имкониятларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда ҳар қандай муаммоли вазиятларни ҳал этиш ва умуман ҳаётга ўзига хос ижодий муносабатда бўлиш тушунилади. Бу эса профессор-ўқитувчилар учун муҳим дидактик аҳамиятга эга. Бу жараёнда талабаларнинг инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини эгаллашлари мустақиллик ва эркинликни талаб қилади.

Таълим-тарбия тизимида энг асосий масалалардан бири – мазкур жараёнда қулай инновацион муҳит яратишдан иборат. Таълим-тарбия жараёнида алоҳида ижодий муҳит яратиш натижасида талабаларнинг ижодкорлик, ташаббускорлик, тадқиқотчилик лаёқатлари ривожлантирилади. Шу тариқа, бўлажак мутахассислар билан амалга ошириладиган инновацион педагогик амалиётда қуйидаги масалалар ҳал этилади:

1. Талабаларнинг баҳс-мунозарага мойилликлари, муаммоли вазиятларни ҳал қилиш кўникмалари ривожлантирилади.

2. Тез ўзгарувчан ҳамда ахборотлар кўлами шиддат билан кириб келаётган шароитларга талабаларнинг мослашувчанликлари таъминланади.

3. Талабаларда педагогик амалиёт жараёнида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш кўникмалари ривожлантирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, мактабгача таълим йўналиши талабаларида педагогик амалиёт жараёнида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш кўникмалари, уларда касбий-шахсий сифатларнинг таркиб топиши муҳим дидактик қимматга эга. Талабалар мазкур хусусиятларга эга бўлганликларидагина таълим-тарбия жараёнида кутилган самарадорликка эришиш имконияти туғилади.

Назорат саволлари

1. Педагогик тизимни такомиллаштиришнинг асосий йўллари нима?
2. Педагогик тизимни ташкил этувчи таркибий қисми нима?
3. Бўлажак мутахассисларни инновацион фаолиятга тайёрлаш модели нима?

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ТАЪСИРИ

РЕЖА:

1. Таъсир этишнинг педагогик технологияси.
2. Педагогик таъсир этиш усуллари.
3. Педагогик таъсир этиш принциплари.

Педагогик таъсир этиш таҳлили шуни кўрсатадики, профессор-ўқитувчилар талабалар билан мулоқотга киришиш жараёнида уларни муҳим ижтимоий субъект даражасига кўтаради ва субъект-субъект муносабатлари доирасида ҳамкорликка киришади. Профессор-ўқитувчилар нутқидаги мулойимлик, мулоқот жараёнида талабаларга илтимос оҳангида мурожаат қилиш уларни фаоллаштириб, таълим-тарбия жараёнида юқори самарадорликка эришишга имконият яратилади.

Педагогик амалиёт даврида ўзимиз гувоҳ бўлган педагогик таъсир этиш соҳасидаги бир мисолни келтириб ўтмоқчимиз.

Профессор-ўқитувчи талабага деди: «Санжар! Наргизага ёрдам бер!». Бу ўринда талаба ўз ўрнидан қимирламади. Иккинчи бир вариантда: «Комил, агар сенга қийин бўлмаса, илтимос, Наргизага ёрдам бериб юбор».

Мана шундай оддий мурожаат бир неча зарур элементлардан иборат. Бизга маълумки, бу жараёнда талаба шахси фаоллиги яратилиб, мустақил танлов амалга оширилади.

Психологик кулай шароитда талабаларни мулоқотга жалб қилишга йўналтирилган педагогик алоқадорлик – улар шахсига ижобий фикр уйғотишдан иборат.

Талабаларга мурожаат қилганда яна бир технологик элементдан фойдаланиш мумкин. Бу жараёнда уларни педагогик фаолиятга жалб этиш, уни фаолиятнинг турли хил турларига йўналтириш лозим.

Таълим-тарбия жараёнида талабалар фаолиятида учрайдиган яна бир технологик элемент – бу улар орасидаги низолар ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчилар талабаларни фаоллаштириб, ноқулайликка барҳам беришга интиладилар. Профессор-ўқитувчилар талабалар орасидаги низоларнинг олдини олиш жараёнида етакчи мурасачи ҳисобланади. Аксарият ҳолларда талабалар назорат иши ёзишдан бош тортадилар, бу жараёнда улар билан мураса қилиб, келишиб уларнинг ҳам билдирган фикрларини тинглаш лозим. Бундай ҳолларда профессор-ўқитувчилар ўзаро ён бериш вазиятидан ижобий тарзда фойдаланиб, мазкур ҳолатдан чиқиб кетиш талаб этилади.

Талабаларга педагогик таъсир этишда профессор-ўқитувчиларнинг педагогик техникадан унумли фойдаланишлари муҳим ўрин эгаллайди. Педагогик техника талабаларни узлуксиз ривожлантириш жараёнида педагогларнинг ички фаолиятидан келиб чиқадиган ўз маҳоратини ифода қилиш қобилияти ҳисобланади. Педагогик тактика эса таълимнинг бош мақсади йўлида хусусий, оралиқ масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ҳаракатларни ташкил қилиш усулидир. Мазкур жараённинг якуний қисмида стратегик мақсадларга кўпроқ самарани таъминлаш учун шароитнинг ўзгаришларини мос тарзда ҳисобга олиш талаб этилади.

Юқорида санаб ўтилган ҳар бир элемент педагогик таъсирнинг 3 функциясини ўзида жамлаштиради: а) талаба шахсини фаоллаштириш; б) уларни педагогик фаолият усуллари билан куроллантириш ва в) индивидуал танловга рағбатлантириш кабилар.

Педагогик мулоқот ва ҳамкорлик жараёнида бўлажак мутахассислар тарбияланувчилар ва атрофдагилар билан алоқа ўрнатадилар. Бу даврда тарбияланувчилар жисмоний ва маънавий ҳаётларида ўзгаришлар вужудга келиб улар оиласи доирасидан ташқарига чиқа бошлайдилар. Бунинг натижасида улар атрофдагилар билан фаол алоқа ўрнатадилар ҳамда тенгдошлари ва катталар жамоаси билан уйғунлаша бошлайди. Бу даврга келиб, тарбияланувчилар ўз тенгдошлари билан ўйинларга нисбатан фаолиятнинг кенгрок турларини ўзида мужассамлаштирган ишларни амалга ошириш ҳамда ўзаро жиддийроқ муносабатларга киришадилар.

Мазкур даврга келиб тарбияланувчилар кичик гуруҳларда фаолият кўрсатишга мойил бўла бошлайдилар. Бизга маълумки, улар мураккаб жисмоний, руҳий ривожланиш жараёнини ўтайдилар. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи-педагогларнинг

тарбияланувчилар билан ҳамкорлик муносабатларига киришишлари бир қадар қийин кечади.

Атрофдагилар билан ишчан, самимий мулоқот ва ҳамкорлик ўрнатишда болаларнинг мулоқот ва ҳамкорликнинг турли кўринишларини ўзлаштирганликлари муҳим аҳамиятга эга. Тўғридан-тўғри мулоқот атрофдагилар билан шахсий алоқа ўрнатишни тақозо қилиб, мазкур жараёнда бир-бирини бевосита тушунишни енгиллаштиради. Бундай вазиятларда суҳбатлар жараёнида тарбияланувчилар бир-бирларининг ҳаракатларига бевосита муносабат билдиришга ҳаракат қиладилар.

Педагогик мулоқот ўз характериға кўра кўп вазифали жараёндир. Болаларни педагогик мулоқот ва ҳамкорликка тайёрлашда унинг қуйидаги вазифаларига эътибор қаратиш лозим:

Мулоқотнинг прагматик вазифаси болаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари жараёнида рўёбга чиқади.

Мулоқотнинг шакллантирувчилик вазифаси тарбияланувчиларнинг ривожланиши ва шахс сифатида намоён бўлиши жараёнида ифодаланади.

Мулоқотнинг шахслараро муносабатларни ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватловчилик вазифаси болаларга бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш ва ўз ҳис-туйғуларини намоён қилиш имкониятини беради.

Мутахассислар шахслараро мулоқотнинг учта асосий турини ажратиб кўрсатадилар: қатъий оҳангдаги, яъни императив, манипулятив ва диалогик. Биз учун суҳбатдошларнинг тенг ҳуқуқлигига асосланган диалог характеридаги мулоқот алоҳида аҳамиятга эга. Бундай диалог усулидаги мулоқотлар далилларга асосланган, ахборотларга таянган, мунозарали характерга эга.

Диалогга асосланган мулоқот тарбияланувчилар орасида ўзаро муносабатларда бир қатор қоидаларга амал қилган ҳолда вужудга келади. Чунончи:

Тенгдошининг гапларига тўлиқ ишониш;

Суҳбатдошини ечимлар ҳақида ўз фикрини баён қилиш имкониятига эга тенг ҳуқуқли шерик сифатида қабул қилиш;

Тарбияланувчилар ўзларининг табиий ҳис-туйғулари ва истакларини баён этишлари кабилар.

Мулоқотнинг табиатини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, мазкур ҳодиса мураккаб, турли-туман, кўп даражали вазифаларга эга. Мутахассислар мулоқотнинг учта ўзаро алоқадор

жиҳатини ажратиб кўрсатганлар: ахборотли-коммуникатив; ўзаро ҳамкорликка асосланган – интерфаол; ўзаро бир-бирини тушуниш имконини берадиган–перцептив.

Педагогик мулоқот ва ҳамкорлик жараёни самарали, ишчан характер касб этиши учун болаларда ёшлиқдан бошлаб коммуникатив кўникмаларни шакллантириш талаб этилади. Уларнинг ўзига хос жиҳатлари ва улар орасидаги муносабатларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бу жараён ўзига хос педагогик-психологик хусусиятларга эга. Мазкур хусусиятларни таҳлил қилишда Р.Сафарова, Э.Ғозиев, Ҳ.Назарова, Ф.Аминова, Ю.Ахроров, А.А.Бодалев, Б.М.Мастеров, А.А.Катаевой-Венгер, С.Д.Арзуманян, Л.С.Выготский, В.Н.Мясищев, Л.И.Божовичларнинг илмий изланишлари ва ёндашувларига таяниш мумкин.

Шахснинг мавжудлиги табиий тарзда атрофдагилар билан алоқадорликда намоён бўлади. Ўз ҳаёти давомида шахс мулоқот ва ўз-ўзини намоён қилишга эҳтиёж сезади. Болалар ўз ҳаётий ривожланишларининг муайян даврида дўстона мулоқот ва ҳамкорликка киришиш учун кучли эҳтиёж сезадилар.

Шахслараро муносабатларда болалар ўзларининг барча имконияларини рўёбга чиқарувчи субъект сифатида намоён бўладилар. Улар бетакрор шахс сифатида ўзларининг жисмоний, ижтимоий имкониятларини рўёбга чиқаришга интиладилар. Шу тариқа, болалар жамият маданий ҳаётининг иштирокчисига айланадилар, ижодий онгли фаолият субъекти сифатида атрофдагилар билан мулоқотга киришадилар.

Болалар муайян гуруҳлар ва жамоаларга бирлашган ҳолда фаолият кўрсатадилар. Уларнинг фаолиятлари асосан ўйиндан иборат бўлади. Бу жараён ўзига хос психологик хусусиятлар ва қонуниятларга ҳам асосланади. Улар ўзларининг умумий белгилари асосида муайян гуруҳларга бирлашадилар ва фаолиятлари давомида мазкур жамоага мансубликларини ҳис этадилар. Психология ва педагогикада дўстона мулоқот болаларнинг ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида талқин этилади. Тарбияланувчиларнинг мазкур жараёнда ўзаро мослашишлари, алоқага киришишлари, хулқ-атворларидаги ўзаро бир хилдаги ўзгаришлар, фаолиятлари, қондаларга бўлган муносабатлари намоён бўлади.

Таъсир этишининг педагогик технологияси.

Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларга ўзаро таъсир этиш тарбиячи-педагоглар томонидан педагогик техноло-

гиялар асосида амалга оширилади. Бизга маълумки, болаларга педагогик таъсир кўрсатишнинг бир қатор усуллари мавжуд. Жумладан:

Педагогик таъсир усуллари:

1. Яратувчанлик – янги ижобий сифатларнинг ривожланишига имкон берувчи.
2. Тўсқинлик – салбий сифатларни енгишга имкон берувчи;
3. Портлаш усули – ҳам яратувчанлик, ҳам тўсқинлик ҳолида намоён бўлади.

Педагогик таъсир кўрсатиш принциплари:

1. Педагогик оптимизм.
2. Тарбияланувчиларга ҳурмат.
3. Тарбияланувчиларнинг ички дунёсини тушуниш.
4. Болалар хатти-ҳаракатларининг сабаби, ички ва ташқи жиҳатларини очиш.
5. Тарбияланувчилар тақдирига қизиқиш.

Бундай таснифлашнинг камчилиги шундан иборатки, бунда болаларни уйғотадиган, уларга рухсат берадиган, йўналтирадиган, фаоллаштирадиган, ғайратлантирадиган, рухлантирадиган ёки аксинча бўшаштирадиган таъсирнинг ҳисобга олинмаганлигида намоён бўлади. Таъсир этиш мақсади – бола шахсиятига таъсир этишдан иборат бўлиб, мазкур жараёнда максимал натижага эришишдан иборат.

Амалда болаларни кузатиб, тарбиячи-педагоглар уларнинг хатти - ҳаракатларини таққослайдилар. Шу тариқа, тарбияланувчиларнинг фаолиятларини баҳолаш имконияти вужудга келади.

Назорат саволлари

1. Педагогик технология таъсир элементлари нима?
2. Педагогик таъсир усуллари нима?
3. Педагогик таъсир тамойиллари нима?

ПЕДАГОГИК ТАЪСИР ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ДАРСДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

РЕЖА:

1. Педагогик таъсир технологиясининг дарсда қўлланилиши.
2. Барча асосий элементлардан иборат дарс лойиҳаси.
3. Дарснинг турли шакл ва турларидан фойдаланиш имкониятлари.

Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларида асосий параметрлар ўзаро муносабат, ҳамфикрлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, ишонч кабилар асосий ўринни эгаллайди. Мазкур ҳамкорликнинг сифати ва самарадорлиги мулоқотнинг ижодий характери, маданий савиясига боғлиқ.

Масалан, педагогик жараёнда ижодий ҳамкорликнинг ривожланиши талабаларнинг профессор-ўқитувчилардан таълимдаги янгиликларни ўрганишлари, улар билан мулоқот қилишлари ва уларга ўхшашга ҳаракат қилишларида намоён бўлади. Лекин бундай ҳамкорлик профессор-ўқитувчилардан белгиланган хусусиятларга эга бўлишни талаб қилади. Булар: маънавий, ахлоқий қиёфа, ўз касбининг устаси, янги мактаб ва замонавий педагогик тажриба билан танишиш, педагогик маданият, маҳорат, ишга ижодий ёндашиш, ҳамкасблар билан ҳамкорлик қила олиш, халқаро тажрибаларни таълим тизимига қўллаш кабилар.

Шундай қилиб, инсонпарварлик принципи асосида фаолият юритадиган профессор-ўқитувчилар талабаларнинг мактабгача таълим муассасаларида илк кунларидаги фаолиятларидан бошлаб, тарбияланувчилар билан шахсни ривожлантирадиган диалог тарзидаги мулоқот қилиб, уларга истак ва фикр билдирадилар.

Талабалар юқори курсга ўтганлари сари уларга нисбатан профессор-ўқитувчиларнинг муносабатлари ҳам ўзгаради, яъни ушбу жараёнда улар аста-секин ўзларини ривожланишга йўналтира оладиган ижодий шахсга айланиб борадилар.

Профессор-ўқитувчилар талабаларга фақат ўқув масалаларини эмас, балки шахсий масалаларини ҳал қилишда ҳам ёрдам беришлари керак. Мазкур типдаги шахсий масалалардан энг

муҳими – талабаларда ўз мақомларини ўрганишдан иборат. Лекин педагогик амалиётда талабанинг ўзлаштириши таълим давомида омадсизлик ва ютуқларининг асосий кўрсаткичидир. Юқори ўзлаштириш даражаси одатда талабанинг омади сифатида, паст ўзлаштириши эса омадсизлиги сифатида намоён бўлади.

Профессор-ўқитувчиларнинг талабалар билан дўстона мулоқоти яхши ўйланган психологик усул ва таъсир этиш механизми қўлланганда самарали бўлади. Мактабгача таълим йўналиши талабалари дарс жараёнида профессор-ўқитувчилардан билан бевосита мулоқот ўрнатадилар ва бу педагогик таъсирнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Дарсда талабалар профессор-ўқитувчилар таклиф этган ўқув материалларини ўзлаштирадилар ва ўз фаолиятларида қўллайдилар. Бу жараёнда профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро дўстона ҳамкорлик ва педагогик мулоқотга киришадилар. Ушбу мулоқот натижасида талабалар ўзларини гўёки мутахассис сифатида башорат қиладилар. Талабалар мактабгача таълим муассасаларида педагогик амалиёт жараёнида болалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб уларнинг ички дунёларига кириб борадилар. Мазкур жараёнда улар фаолият жараёнида учрайдиган қийинчиликларни енгишда ҳаракат қиладилар.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар ва талабалар мулоқотга киришишлари жараёнида бир қатор талабларга амал қилишлари лозим. Жумладан:

– Таълим-тарбия жараёнида мулоқотнинг очик, демократик характер касб этиши;

– Талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар орасидаги педагогик мулоқот ва дўстона ҳамкорлик жараёни инсонпарварлик принципи асосида қурилган бўлиши;

– Профессор-ўқитувчилар талабаларнинг руҳий имкониятларини ҳисобга олиши; бунда бўлажак мутахассисларнинг болаларни қай даражада севиши, уларни ардоқлашига эътибор қаратиши зарур.

Дарс м ашғулотлари давомида профессор-ўқитувчилар талабаларга мурожаат қилиб «Янги мавзуни ўрганамиз...», «Масалага яна бир бор қайтишимиз зарур...», «Кучимизни синаш вақти келди...» деб таъкидлайди. Бу эса талабаларга педагогик амалиёт вақтида қўл келади.

Мактабгача таълим муассасаларида педагогик амалиёт жараёнида бўлажак мутахассисларнинг болаларга жаҳл билан бақираёт-

ган бир ҳолатни муҳокама қилайлик. Профессор-ўқитувчилар ва психологлар мазкур ҳолатда талабалар фикрини дарҳол тўхтатиб у билан алоҳида суҳбат ўтказишлари талаб этилади. Ушбу суҳбат жараёнига тажрибали мутахассисларни ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Тажрибали мутахассислар ўзларининг тажрибаларида учрайдиган муҳим ҳолатларни сўзлаб беришлари, профессор-ўқитувчилар ва психологлар эса бўлажак мутахассисларга кўрсатма беришлари лозим. Бунда улар талабаларнинг шахсиятларига тегмаган ҳолда фикрларини баён қилишлари ҳамда психологик жиҳатдан таъсир этишлари керак. Агар профессор-ўқитувчилар ва психологлар талабалардаги мазкур ҳолатни бартараф этишда шахсиятларига тегсалар, улардаги ушбу руҳий кучланишни ечишнинг имконияти бўлмайди. Чунки улар баттар «жаҳл отига миниб оладилар». Болалар билан ташкил этилган машғулотлар орасидаги дам олиш дақиқаларида ҳам бўлажак мутахассислар уларнинг олдиларидан бир зум бўлса ҳам узоқлашмасликлари талаб этилади.

Бизга маълумки, мактабгача таълим муассасаларида илғор педагогик технологиялар асосида машғулотларни ташкил этиш давр талаби ҳисобланади. Мазкур педагогик технологиялар таркибига замонавий ахборот технологиясини киритиш ўринлидир. Компьютер технологияси ва оммавий ахборот воситалари асосида ташкил этилган машғулотларда тарбияланувчилар оддий машғулотларга нисбатан фаолроқ иштирок этади ва машғулот самарадорлиги ошади. Машғулотларни интеграллашган тарзда турли телекўрсатувлардан фойдаланиб ташкил этиш янгича ёндашувни вужудга келтиради.

Шуни ҳисобга олиш керакки, таълим жараёнининг таркиби, мазмунини ҳам модернизациялаш янги замонавий педагогик технологияларни қўллаш имконини беради. Бунинг учун мактабгача таълим муассасаларда компьютер жамланмаси, аудио-визуал воситалар орқали болаларни баркамол шахс қилиб тарбиялашга эришиш мумкин.

Мактабгача таълим тизимида компьютер техникасидан оқилонга фойдаланиш тарбиянинг янгича усулларида таълимга боғлаш тузилиши ва мазмун жиҳатдан яхлитлаштиришга, тарбияланувчи фаолиятини уюштириш, уларни мустақил фикрлашга йўллаш учун қулай шароит яратади. Зеро, компьютерлашган таълим технологияси таълим-тарбия жараёнини илғор воситалар, методлар, техник воситалар ва усулларида таяниб такомиллаштириш тизими

хисобланади. Бу тизим тарбиячи-педагоглар томонидан яратилади ва таълим-тарбия босқичларини ўзаро боғлашга хизмат қилади. Унинг мазмуни ва вазифаларини, мақсадини олдиндан белгилаш, таълим-тарбиянинг шакллари болаларда шакллантириш кўзда тутилган маънавий сифатларни ўзлаштиришга йўналтирилган машгулотларни режалаштириш кабиларни ўз ичига олади. Шунинг учун таълим жараёнида боланинг тутган ўрни, яъни болага катталар томонидан кўрсатилган муносабат, унга таъсир этаётган тарбиявий омиллар муҳим аҳамиятга эга.

Бу жараёнга ҳар хил тарбиявий дастурлар, кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган мультифильмлар, театрлаштирилган эртаклар, кинофильмлар ва ролли ўйинли дастурларни мисол сифатида киритиш ўринлидир. Шунинг учун болаларнинг фикрлари ва қизиқишларини инobatга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларида ўйинлар, машгулотлар улар томоша қилган дастурлар асосида ташкил этилса, уларнинг таъсир даражаси ва тарбиявий аҳамияти янада ошган бўларди.

Болаларда эртакка бўлган қизиқиш шу даражадаки, баъзи болалар асосан эртаклар тинглашни ёқтирадилар. Жумладан, «Эгри ва Тўғри», «Зумрад ва Қиммат», «Олтин тарвуз», «Ур тўқмоқ» ва бошқа шу каби эртакларни телевизор орқали томоша қилишни яхши кўрадилар. Бу таклифларга кўникиб, ҳамма ишимизни бир дақиқа нарига суриб, чарчоғимиз, ташвишларимизга қарамай: «Бўпти, ҳозир сенга эртак айтиб бераман» десак борми, бир онда биз «Зумрад ва Қиммат», «Чол ва кампир», «Лайлак ҳамда хасис бой», «Очкўз бўри, кўрқоқ куён» ва бошқа ролларга киришиб кетганига гувоҳ бўламиз. Бола билан ўйнар эканмиз, биз ҳам ўз олдимизга мақсад кўйиб боришимиз керак. Эртак давомида, албатта биз уларнинг хоҳиш, истаги бўйича ҳаракат қилишимиз керак.

Диққатини, хотира ва тафаккурини ўстиришга қаратилган эртаклар асосида боланинг нутқини ривожлантирамиз, уларнинг аклий ва ахлоқий жиҳатдан ўсишларига ёрдам берамиз. Эртакларни кўриб ундаги ролларни таҳлил қилиш малакасини шакллантирамиз. Мазкур эртаклар орқали болаларда мантиқий фикрлашни, диққатни жамлашни, сезгини ривожлантириш, бир нарсани тезда идрок этишни, эса сақлаб қолиш, умумлаштиришни ривожлантириш мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, бўлажак мутахассисларга инновацион педагогик технологияларнинг турлари, таълим-тарбия жараёнида улардан фойдаланиш йўллари, усулларини ўргатиш мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда қутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

Назорат саволлари

1. Педагогик таъсир технологиясининг дарсда қўлланилиши ҳақида тушунча беринг?
2. Педагогик тизимни такомиллаштиришнинг асосий йўллари нима?
3. Дарснинг турли шакл ва турларидан фойдаланиш имкониятлари нима?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.; Шарқ, 1997. -64 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 176 б.
3. Аъзамов А., А.Юсупов. Ўқувчиларга билим беришда инновацион усуллардан фойдаланиш. Тошкент, 2003.
4. Абдуллаева Қ. Янги педагогик технологиялар // Бошланғич таълим ж. №4. 1999, 8-9 бет.
5. Йўлдошев Ж.Ф. Янги педагогик технология (йўналишлари, муаммолари, ечимлари) // Бошланғич таълим ж. 1999. №6. 2-5 бет.
6. Йўлдошев Ж.Ф. Янги педагогик технология: йўналишлари, муаммолари, ечимлари // Халқ таълими ж., 1999 йил, №4, 4-11 бетлар.
7. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2004, 2008 (қайта нашр). - 44 б.
8. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари (2-китоб). –Т.: ТДПУ, 2009. - 108 б.
9. Ишмухамедов Р.Ж. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. – Т.: РБИММ, 2008. - 68 б.
10. Ишмухамедов Р.Ж., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008.-180 б.
11. Маҳмудов М. Ўқув материални дидактик лойиҳалаш тизими // Педагогик маҳорат ж., 2002 йил, №3, 3-11 бетлар.
12. Маҳмудов М. Таълим натижасини лойиҳалаш // Педагогик маҳорат ж., 2003 йил, №1, 8-10 бетлар.
13. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. Қарши, «Насаф», 2000 йил.
14. Педагогик техника педагогик маҳоратнинг таркибий қисми сифатида: «Тарбиявий ишлар методикаси» китобида. – Тошкент, 1991 й.
15. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технология моҳияти // Халқ таълими ж. 1999, №5.

16. Саидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Тошкент: РТМ, 2000 йил.

17. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технология принциплари / Маърифат газетаси. №85. 1995, 27 октябр. 1-3 бет.

18. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологияларнинг моҳияти // Халқ таълими ж, 1999 йил, №1, 97-102 бетлар.

19. Толипов Ў.Қ. Тажриба синов ишларида янги педагогик технологиялар // Халқ таълими ж. 1999, №2-3.

20. Толипов Ў.Қ. Ўқитувчилар тайёрлашда янги педагогик технологиялар // Халқ таълими ж. 2000, №2.

21. Толипова Ж.О., Ғофуров Т .А. Биология таълими технологиялари. – Тошкент, «Ўқитувчи», 2002...

ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 43-сон, 431-модда; 2011 й., 25-сон, 260-модда)

Мактабгача таълимни янада ривожлантириш, шунингдек болаларни умумтаълим мактабларида ўқишга муваффақиятли тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

уч ой муддатда фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ушбу қарор билан тасдиқланган низомлар талабларига мувофиқлаштирсин;

мактабгача таълим муассасалари фаолияти устидан мунтазам назоратни таъминласин, уларга ўзларига юкланган вазифаларни амалга оширишида ҳар томонлама кўмаклашсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасалари ҳақидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 1995 йил 18 февралдаги 59-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши ва қарорга 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 2-сон, 5-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент ш. 2007 йил 25 октябрь

**Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача
таълим муассасаси тўғрисида**

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, унинг узлуксизлигини, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифалари самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда давлат мактабгача таълим муассасалари (кейинги ўринларда матнда «мактабгача таълим муассасаси» деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

2. Мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда ўз уставига амал қилади.

3. Мактабгача таълим муассасаси таълим-тарбия ва соғломлаштириш муассасаси ҳисобланади, қуйидагилар унинг асосий вазифалари ҳисобланади:

болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлигини мустаҳкамлаш;

бола шахси асосларини шакллантириш, унинг билимга кизиқишларини ривожлантириш;

боланинг интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;

боланинг ривожланишидаги нуқсонларни зарур тарзда тузатиш;

болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;

болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш.

II. Мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тартиби

4. Мактабгача таълим муассасаси муассис томонидан ташкил этилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

5. Қуйидагилар:

давлат бошқаруви органлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

давлат корхоналари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат ташкилотлари давлат мактабгача таълим муассасасининг муассислари бўлиши мумкин.

6. Мактабгача таълим муассасалари ўз ишининг ўзига хослигига мувофиқ қуйидаги типларга бўлинади:

умумий типдаги мактабгача таълим муассасаси;

ихтисослаштирилган (жисмоний ва психик ривожланишида ҳар хил нуқсонлар мавжуд бўлган болалар учун);

санаторий типдаги (заиф, турли юқумли касалликларни бошдан кечирган, сурункали асоратларга эга бўлган болалар учун).

7. Мактабгача таълим муассасаси ўз уставига, банк муассасаларида ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи кўрсатилган муҳрга, юридик манзили кўрсатилган штампга эга бўлади.

8. Мактабгача таълим муассасасини аккредитация қилиш давлат ваколатли органи томонидан аттестация асосида амалга оширилади.

III. Мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш

9. Мактабгача таълим муассасаси белгиланган давлат нормативларига ва мактабгача таълим муассасасига қўйиладиган талабларга мувофиқ болаларни тарбиялашни, ўқитишни, уларга қараб туриш ва уларни парвариш қилишни ҳамда соғломлаштиришни таъминлайди.

10. Мактабгача таълим муассасасида таълим мазмуни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ёки тавсия қилинган дастурлар билан белгиланади. Мактабгача таълим муассасаси ўз (муаллифлик) дастурларидан фойдаланишга ҳақлидир. Бундай дастурларни тасдиқлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

11. Мактабгача таълим муассасасининг иш режими ва болаларнинг у ерда қанча вақт бўлиши мактабгача таълим муассасаси устави ва муассасининг қарори билан белгиланади. Мактабгача таълим муассасаси (гуруҳ)нинг кундузги ва кечки вақтларда ҳамда кечаю кундуз фаолият кўрсатишига йўл қўйилади.

12. Мактабгача таълим муассасасида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш давлат тилида ва «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бошқа тилларда олиб борилади.

13. Мактабгача таълим муассасасида овқатланишни ташкил этиш мактабгача таълим муассасасига юкланади ҳамда Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ амалга оширилади.

14. Болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳам штатдаги тиббиёт ходимлари, ҳам мактабгача таълим муассасаларига бириктирилган соғлиқни сақлаш органларининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланади, улар мактабгача таълим муассасаси ходимлари билан биргаликда болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилиши, санитария-гигиена нормаларига, овқатланиш режими ва сифатига риоя қилиниши учун жавоб берадилар.

Тиббиёт ходимлари фаолиятини назорат қилиш маҳаллий соғлиқни сақлаш органларига юкланади.

Мактабгача таълим муассасаси тиббиёт ходимига хона беради ва унинг ишлаши учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

Мактабгача таълим муассасасининг штатдаги ходимлари соғлиқни сақлаш органларида бепул тиббий кўриқдан ўтадилар, бунинг учун сарфланадиган харажатлар давлат томонидан ажратиладиган маблағлар доирасида белгиланади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

15. Мактабгача таълим муассасаси уставда қайд этилган ўз мақсадларини ва вазифаларини бажариш учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан тузилган шартномалар асосида оиланинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда асосий таълим дастурларидан ташқари қўшимча пулли таълим хизматлари

кўрсатишга ҳақлидир. Пулли таълим хизматлари муассис томонидан молиялаштириладиган асосий таълим фаолияти ўрнига ва унинг доирасида кўрсатилиши мумкин эмас.

IV. Мактабгача таълим муассасасини бутлаш

Олдинги таҳрирга қаранг.

16. Мактабгача таълим муассасасига болалар 2 ёшдан бошлаб 6–7 ёшгача туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг қарори билан ташкил этилган халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ҳузуридаги қабул қилиш комиссияси томонидан тегишли тиббиёт хулосаси ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади. Қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

17. Муассислари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бўлган мактабгача таълим муассасасига болаларни қабул қилиш қабул комиссиясининг қарорига биноан халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг йўлланмалари асосида амалга оширилади.

Муассислари бошқа органлар бўлган мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш уларнинг муассислари томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда ушбу мактабгача таълим муассасалари болаларни халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг йўлланмалари бўйича шартнома асосида қабул қилиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасасига болаларни қабул қилиш тартиби муассис томонидан белгиланади.

18. Қуйидаги болалар:

I ва II гуруҳ ногиронлари;

кўп болали оилаларнинг болалари;

ҳарбий хизматчиларнинг болалари;

талабалар ва педагогларнинг болалари мактабгача таълим муассасасига қабул қилишда имтиёزلардан фойдаланадилар.

Қабул комиссияси, шунингдек ота-оналари мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ёрдам берган болаларни истисно тарзида навбатдан ташқари қабул қилиши мумкин. Бундай болалар контингенти мактабгача таълим муассасаси режадаги куввати умумий сонининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

19. Мактабгача таълим муассасасида гуруҳлар сони муассасанинг қувватидан ва гуруҳларнинг режали тўлдирилишидан келиб чиқиб муассис томонидан қуйидагича белгиланади:

2 ёшдан 3 ёшгача – камида – 15 бола, бироқ 20 боладан ортиқ эмас;

3 ёшдан 6–7 ёшгача – камида – 20 бола, бироқ 25 боладан ортиқ эмас.

20. Ихтисослаштирилган ва санаторий йўналишидаги мактабгача таълим муассасаларида гуруҳларнинг тўлдирилиши болаларнинг тоифасига ва ёшига (икки ёшдан бошлаб ва уч ёшдан катта ёшдагилар) қараб белгиланади ва тегишли равишда қуйидагичани ташкил этади:

нутқи оғир нуқсонли болалар учун – 10–12 бола;

нутқи фонетик-фонематик нуқсонли болалар учун фақат уч ёшдан катта ёшдаги болалар учун – 12–15 бола;

кар болалар учун – 8 бола;

яхши эшитмайдиган болалар учун – 10–12 бола;

кўзи ожиз болалар учун – 6 бола;

яхши кўрмайдиган болалар, амблиопияли, ғилай болалар учун – 6–10 бола;

таянч-ҳаракатланиш аъзоси бузилган болалар учун – 6–10 бола;

интеллекти бузилган (ақлий норасо) 3 ёшгача болалар учун – 6 бола;

уч ёшдан катта ёшдаги ақли заиф болалар учун – 10 бола;

сил интоксикацияси мавжуд бўлган болалар учун – 15–20 бола;

тез-тез касалланиб турадиган болалар учун – 15–20 бола;

мураккаб нуқсонли (икки ва ундан ортиқ нуқсонли) болалар учун – 8–10 бола;

ривожланишида бошқача нуқсонлари (эндокрин касалликлар) мавжуд бўлган болалар учун – 15–20 бола.

21. Гуруҳларни бошқа ёшдаги гуруҳдан ўтган болалар билан тўлдириш ўқув йили охирида (август ойида), янги қабул қилинаётганлар билан тўлдириш эса ўринлар бўшашига қараб амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасасида ўқув йили ҳар йили 2 сентябрдан бошланади, кейинги йилнинг 1 июнида тугалланади ва

янги ўқув йили бошлангунга қадар соғломлаштириш даври бошланади.

22. Ушбу Низомнинг 21-бандида кўрсатилган болалар исталган типдаги мактабгача таълим муассасаларига, уларда тузатиш ишлари учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда, тиббиёт-психология-педагогика комиссиясининг йўлланмаси асосида қабул қилинади.

V. Таълим жараёни қатнашчилари

23. Мактабгача таълим муассасасида болалар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва педагог ходимлар таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасасида васийлик кенгашлари ташкил этилади, уларни сайлаш тартиби ва уларнинг ваколатлари мактабгача таълим муассасаларининг уставларида белгиланади. Васийлик кенгашларининг фаолияти белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом асосида амалга оширилади.

24. Болаларни қабул қилишда мактабгача таълим муассасаси ота-оналарни ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни муассасанинг устави ва унинг фаолиятини тартибга соладиган бошқа ҳужжатлар билан таништириши шарт.

25. Мактабгача таълим муассасаси билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома билан тартибга солинади. Шартнома ўқитиш, тарбиялаш, қараб туриш ва парвариш қилиш жараёнида пайдо бўладиган томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ўз ичига олади.

26. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар:

ўз болалари учун ўқитиш ва тарбиялашнинг шаклларини, мактабгача таълим муассасалари типини ва таълим бериш тилини танлаш;

мактабгача таълим муассасаси маъмуриятидан мактабгача таълим муассасасининг уставига мувофиқ бўлган зарур шарт-шароитлар таъминланишини талаб қилиш;

боланинг шахсига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;

болаларнинг болалар мактабгача таълим муассасасидаги ҳаёт кечирешини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

режим доирасида улар учун қулай бўлган исталган вақтда болаларни мактабгача таълим муассасасига олиб келиш ва ундан олиб кетиш ҳуқуқига эга.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

27. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар куйидагиларга мажбур:

болаларнинг жисмоний ва психик соғлиғи учун ғамхўрлик қилиш;

боланинг кадр-қимматига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, унда меҳнатсеварлик, эзгулик, меҳр-шафқат фазилатларини, ўзидан катта ёшдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш туйғуларини тарбиялаш;

белгиланган нормативларга мувофиқ болалар боғчасида боланинг таъминотига тўловни ўз вақтида тўлаш;

болаларни оилада тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;

болаларнинг тўлақонли овқатланишини, уларда шахсий гигиена кўникмалари шакллантирилишини қатъий кузатиб бориш, болани мактабгача таълим муассасасига озода кийинган ҳолда олиб келиш.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олишлари мумкин.

28. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси ва ходимлари ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳамкорлик, боланинг шахсини ҳурмат қилиш ва унга шахсий хусусиятларига мувофиқ ривожланиши учун эркинлик бериш асосида олиб борилади.

29. Мактабгача таълим муассасаси жамоасини бутлаш тартиби намунавий штат жадвалига мувофиқ белгиланади.

30. Тегишли педагогика маълумотига, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Суд ҳукми билан ёки тиббий хулосага мувофиқ педагогик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган шахсларнинг ушбу фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

31. Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг ҳуқуқ ва имтиёзлари қонун ҳужжатларида, мактабгача таълим муассасаси

уставида, шунингдек меҳнат шартномаси (контракт)да белгиланади.

32. Мактабгача таълим муассасасининг педагог ходимлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

мактабгача таълим муассасасини бошқаришда муассаса уставида белгиланадиган тартибда қатнашиш;

ўз касбий шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш.

Педагог ходимлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

33. Педагог ходимлар куйидагиларга мажбур:

болаларни юқори профессионал даражада ўқитиш ва тарбиялаш;

педагог ахлоқ-одобига риоя қилиш, боланинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, болаларни тазйикдан ҳимоя қилиш, уларни меҳнатга, ота-онага ҳурмат, атроф муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

ўз малакасини белгиланган тартибда, ҳар уч йилда ошириб бориш;

ўзининг касбий кўникмаларини ва педагоглик маҳоратини доимий равишда такомиллаштириш.

Педагог ходимлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

34. Мактабгача таълим муассасаси ходимларига иш ҳақи миқдорлари (лавозим маошлари) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Муассаса раҳбари рағбатлантириш тусидаги устама-лар, кўшимча ҳақ ҳамда бошқа тўловлар тури ва миқдорларини иш ҳақига йўналтириладиган мавжуд маблағлар доирасида белгилайди.

VI. Мактабгача таълим муассасасини бошқариш

35. Ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълимнинг инновация шакллари ривожлантириш мақсадида мактабгача таълим муассасасида Педагоглар кенгаши фаолият кўрсатади. Педагоглар кенгаши аъзоларини сайлаш тартиби ва унинг ваколатига кирадиган масалалар мактабгача таълим муассасаси уставида белгиланади.

36. Мактабгача таълим муассасасига бевосита раҳбарлик қилиш мудир томонидан амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасаси мудирини ишга қабул қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Давлат мактабгача таълим муассасаси мудири билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади.

Мактабгача таълим муассасаси мудири лавозимига қўйиладиган малака талаблари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

37. Мактабгача таълим муассасаси мудири:

мактабгача таълим муассасаси номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, барча муассаса ва ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

мактабгача таълим муассасаси мол-мулкини ўзига берилган ваколатлар доирасида тасарруф этади;

ишончномалар беради;

банк муассасаларида ҳисоб рақамлари очади;

мактабгача таълим муассасаси ходимларини ишга қабул қилиш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, рағбатлантиради, интизомий жазо чораларини кўради ва улар билан тузилган меҳнат шартномалари (контрактлари)ни тўхтатади;

ўз ваколатлари доирасида буйруқлар (фармойишлар) чиқаради;

мактабгача таълим муассасаларининг ишларини такомиллаштириш, моддий базасини мустаҳкамлаш, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун халқ таълимини бошқариш юқори органига киритади;

болалар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишнинг самарали ташкил этилиши, ўқув-тарбия жараёни, молия-хўжалик фаолияти аҳволи, моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши ва моддий бойликларнинг сақланиши учун жавоб беради.

VII. Мактабгача таълим муассасасининг мол-мулки ва пул маблағлари

38. Муассис ёки у ваколат берган орган мактабгача таълим муассасасига мол-мулкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда биркитади.

Мактабгача таълим муассасасига биркитилган мол-мулк унинг тезкор бошқарув ҳуқуқида бўлади. Мактабгача таълим муассасаси ўзига биркитилган мол-мулкни ва харажатлар сметаси бўйича ўзига ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулкни қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади.

39. Мактабгача таълим муассасаси ўз мажбуриятлари бўйича ўз тасарруфидаги пул маблағлари билан жавоб беради.

40. Мактабгача таълим муассасаси фаолияти унинг муассиси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиялаштирилади.

Муассислари маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари бўлган давлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

41. Қуйидагилар мактабгача таълим муассасаси мол-мулкани ва молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар;

бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари ҳамда мақсадли бадаллари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

42. Болаларнинг мактабгача таълим муассасасида бўлиши учун тўлов миқдори ва уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Тўлов белгиланган тартибда банк муассасаларида очилган ҳисоб рақамларига тўланади.

43. Мактабгача таълим муассасасини молиялаштириш тасдиқланган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасасига бюджетдан ташқари қўшимча маблағларнинг жалб этилиши бюджетдан молиялаштиришнинг камайишига олиб келмайди.

44. Мактабгача таълим муассасаси ўз молия-хўжалик фаолиятини бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширади.

VIII. Мактабгача таълим муассасасининг жавобгарлиги

45. Мактабгача таълим муассасаси:

ўз уставида назарда тутилган функцияларнинг бажарилмаганлиги;

таълим дастурларининг тўлиқ ҳажмда бажарилмаганлиги, амалга ошириладиган таълим дастурларининг сифати;

таълим жараёнини ташкил этишнинг қўлланаётган шакллари, методлари ва воситаларининг болаларнинг ёш, рухий-физиологик хусусиятларига, қобилиятига, лаёқатига, қизиқишларига ва эҳтиёжларига номувофиқлиги;

муассасада тарбияланаётган болаларнинг таълим жараёни вақтидаги ҳаёти ва соғлиғи учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

IX. Яқуний қондалар

46. Мактабгача таълим муассасасида мактабгача таълим муассасасининг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ташкилотларнинг, шу жумладан сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ташкил этилишига ва фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди. Давлат мактабгача таълим муассасасидаги таълим дунёвий хусусиятга эга.

47. Мактабгача таълим муассасаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши, тугатилиши мумкин.

48. Мактабгача таълим муассасаси тугатилган тақдирда унинг пул маблағлари ва мол-мулкидан, унинг мажбуриятларини қоплаш бўйича тўловлар чегирилган ҳолда, қонун ҳужжатларига ва муассаса уставига мувофиқ фойдаланилади.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	
Кириш. Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари.....	
Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш.....	
Инновацион жараёнлар ривожланишининг умумий йўналишлари.....	
Педагогик инновацияларнинг мазмуни ва йўналишлари ...	
Педагогик технологияларнинг таълим-тарбия жараёнида таъсири.....	
Педагогик таъсир технологиясининг дарсда қўлланилиши.....	
Фойдаланилган адабиётлар.....	
Илова.....	

**А.Р.МЕЛИБОЕВ, Ш.Р.ЗАРМАСОВ,
Л.Т.ТЎРАҚУЛОВ**

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

(1-қисм)

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2015

Мухаррир: Ф.Исмоилова
Тех. муҳаррир: М.Холмуҳамедов
Мусаввир: Д.Азизов
Мусахҳиҳа: Н.Ҳасанова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Раҳматуллаева

**E-mail: tipografiyaent@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.
Нашр.лиц. АИ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 30.06.2015.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 4,25. Нашр босма табоғи 4,75.
Тиражи 500. Буюртма № 83.**